

п. с. ф. проф. праграма

Ботир Бойметов

**ПОРТРЕТ
ҚАЛАМТАСВИРИ**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ НИЗОМИЙ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ПОРТРЕТ ҚАЛАМТАСВИРИ



Тошкент — 2001

“Портрет қаламтасвири” номли қўлингиздаги ушбу ўқув қўлланма Педагогика олийгоҳларининг бакалаврлар тайёрлаш бўйича 2-курс талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда бўлажак рассом ўқитувчиларга портрет ишлаш санъатининг ўзига хос томонлари ҳақида сўз боради. Қўлланма портрет ишлашда асос ҳисобланган одам бош суягининг тузилиши, конструктив усули ҳамда қиёфачи портретини услубий босқичларда ишлаш йўллари кўрсатилган. Шунингдек унда кўплаб буюк рассомлар, педагог ва олимларнинг қимматли фикрлари баён этилиб, намунавий суратлар киритилган. Қўлланмадан олийгоҳлар талабалари билан бир қаторда тасвирий санъат билан қизиқувчи барча ихлосмандлар фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф – п.ф.н. Б.Бойметов.

**ПОРТРЕТ
ҚАЛАМТАСВИРИ
(ўқув қўлланма)**

Тақризчилар: п.ф.н. доц. Қ.Қосимов,
п.ф.н. доц. Н.Толипов.

© Ўқув қўлланма Республика таълим марказининг “Чизмачилик ва тасвирий санъат” Илмий-методик Кенгашининг 1999 йил 12 февралдаги йиғилишида муҳокама қилиниб натижа тавсия этилган. 1-сонли қарор.

МУҚАДДИМА

Тасвирий санъатда инсон билан боғлиқ мавзу асосий ўринни эгаллайди. Табиатнинг энг мураккаб ва шу билан бир қаторда энг гўзал маҳсули бўлган инсон гавдаси айниқса, унинг портретини тасвирлашга расомлар қадим-қадимдан қизиқиб келганлар. Мамлакатимиз ҳудудидан топилган эрампиздан аввалги тахминан икки минг йилларга мансуб ҳарбий киши, аёлларнинг ҳайкал портретлари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Инсон портретини тасвирлаш энг мураккаб жараён бўлишига қарамадан қадимги одамлар унинг гўзаллигини намоян этишга ҳаракат қилганлар. Уларда портрет характери тасвирлаш учун малака етарли бўлмасда, пеллона, кўз, лаб, бурун шакллари ухшатиб ишланга ҳаракат қилганлар.

Ҳозиргача барча бадиий олийгоҳларда бўлгани каби, педагогика институти ва университетларида расом ўқитувчиларни тайёрлашда инсон портретини тасвирлашга алоҳида ўрин берилган.

Замонавий педагог — расом портрет ишлаш бўйича профессионал малакаларга эга бўлиши билан бир қаторда, инсон психологиясини ўқий оладиган, ҳамда унинг юз тузилишини тасвирлаш орқали ички дунёсини кўрсата олиши зарур. Бунинг учун эса у кўзлаб машқлар бажариши, бош чаноғи тузилиши ва цдастик анатомиясини ўрганган бўлиши зарур.

Инсон бошининг мураккаб шакллари тўғри тасвирлай олиш нарсанинг ўзига қараб ҳаққоний расм чизиш машқларига асосланган. Бу эса антик даврга мансуб гипседан ясалган Довуд бош бўлакларини (кўз, бурун, лаб, қулоқ) ўзига қараб тасвирлаш орқали бошнинг гипседан ясалган кесик шакли намунасини чизиш, ўндан кейин эса, Антик давр гипс бош намуналари: Аполлон, Венера, Диадумен, Гомер каби бош ҳайкалларини ўзига қараб тасвирлаш машқлари воситасида амалга оширилади.

Талабалар 1 курснинг II семестрида бош бўлакларини сўнгра эса кесик бош намунаси, анатомик Экорше намунасини тасвирлайдилар. Сўнгра Антик бош ҳайкалларини чизадилар. Шундан кейин эса, (2 курс) инсон портретини ўзига қараб тасвирлаш машқлари бошланади.

Мазкур ўқув қўлланманинг асосий мақсади, бакалаврлар тайёрлаш бўйича тузилган ўқув дастурларидан жой олган вазифаларни бажариш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда талаба-

ларга портрет ишлаш малакаларини шакллантиришга қаратилган. Педагогика институт ва университетлари бадий-графика факультетлари учун мўлжалланган мазкур ўқув қўлланмадан тасвирий санъат билан шуғулланувчи барча мутахассислар фойдаланиши мумкин. Қўлланмада машҳур уста рассомлар ҳамда ўқувчи-талабаларнинг ишларидан намуналар келтирилган.

I-БОБ. ОДАМ БОШИ ШАКЛИ ТУЗИЛИШИНING АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Одам бошининг тузилиши ўта мураккаб ва кўнқирралидир. Ҳар бир одам бошининг калла суяги тузилиши ва ташқи кўриниши, пластик тасвири узининг бетакрор хусусиятларига эга. Шу билан бирга бошнинг умумий шакли, унинг конструктив — анатомик асоси бир хилда бўлган тузилиш қонуниятига асосланади. Инсон бошини тўғри тасвирлаш учун расм чизувчи унинг шакли, калла суягининг қисмлари ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда тасвирлаш жараёнида олинган билимларни қўлай билиши керак. Ушбу кўникмаларни ўзлаштириши учун у жуда кўйлаб машқ қилиши зарур. Талабалар таълим жараёнида дастурда кўзда тутилган қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Бошнинг гипсли бўлаклари ва гипсли модели. 2. Тирик бош, бошнинг елка камари билан расмини бажариш. Бунда улар тасвир тузилишининг айрим қирраларини қайта-қайта такрорлайдилар. Ваҳоланки, ҳар бир ўқув топшириғида талаба кайта билим ва малакаларни ўзлаштириб олиши керакки, буни биргина вазифани бажариш жараёнида амалга ошириб бўлмайди. Бошнинг умумий шаклини аниқлаш, чизиқли-конструктив тузилима ҳосил қилиш ва ҳоказо тамойилларни ўзлаштириш учун махсус машқлар керак. Талабалар одатда бунга риоя қилмайдилар, улар учун бу машқнинг ҳожати йўқдек кўринади. Гўёки уларга махсус машқлар ёрдами керак эмасдек туюлади ва мазкур машқлар босқичли расмлар чизиш пайтида ҳам амалга ошираверилади деган тушунча пайдо бўлиши мумкин. Лекин расм чизиш пайтида талаба уни ўзлаштириб ололмайди. Натижада ишни ўз ҳолича давом эттираверади ва олдинга интилмай, кўникмалар ҳосил қилмай туриб, аввалги олган билим ва кўникмалардан фойдаланаверади.

Бош шакл тузилиши қонуниятлари ва уни тасвирлаш қоидаларини ўрганишда талаба энг аввало, тасвирлашнинг дастлабки босқичида кечадиган таҳлил усули ва бошнинг умумий шаклини тасвирлашни ўзлаштириб олиши зарур. Гарчи академик расм чизишда ишнинг ҳар бир босқичи қисқа вақт давом

этса ҳам талаба унинг мазмунини тушуниб махсус машқлар ёрдамида амалда унинг ҳар бир босқичини пухта ўзлаштириб олиши керак. Қуйида бош шакли тузилишини таҳлил қилиш ва тасвирлаш усулининг моҳиятини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

БОШ ШАКЛИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ТАСВИРЛАШ УСУЛИ

Ҳар бир буюмни тўла идрок этишда ёруғлик асос бўлганидек, бош шаклини идрок қилишда ҳам рассомга ёруғлик ёрдам беради. Нур бош усти бўйлаб ёйилиб, рассомга унинг пластикасини кўриш имконини беради. Дастлаб инсон бош шаклини жуда тез умумлашган ҳолда идрок этади: калла тўғ шардек, бўйин цилиндрик, бурун призмадек, кўз шарсимон қобиқдек, кўришади. Фақатгина диққат билан қарагандагина рассом бошнинг ҳам яхлит, ҳам унинг қисмлари пластик тавсифининг нозик томонларини илғай бошлайди.

Психологик нуқтаи назардан қараганда, инсон дастлаб предметнинг умумий шаклини, шундан кейингина унинг бўлақларини идрок эта бошлайди. Илмий тадқиқот натижалари кўриб идрок этиш жараёнининг бешта асосий босқичини (фазасини) ажратиб кўрсатишга асос бўлади: 1) предметнинг фазодаги ҳолати билан унинг умумий нисбатларини тахминий баҳолаш ўртасидаги фарқни ажратиш; 2) шаклнинг ракурса туриши; 3) перспектив томонларининг ўзгаришини фарқлаш; 4) шаклни унинг деталлари фарқланмай берилганда бир хил умумий тарзда идрок этиш; 5) шаклни унинг деталлари билан тўлиқ ҳолда бир хилда акс этиш. Кўриш идроки қонуниятларига риоя қилган ҳолда расм чизувчи биринчи навбатда, бошнинг умумий кўринишини тасвирлаб, унинг шакли-шамойили хусусиятларини кўрсатиши зарур.

Уйғониш давридаёқ рассомлар ушбу заруриятни кўрсатиб ўтганлар. Масалан, Альберти ўзининг “Рангасвир тўғрисида уч китоб” асарида шундай ёзади. “Биз бирор нарсага қарар эканмиз, у фазода маълум жойни эгаллаб турганини кўраемиз. Кейинчалик, ушбу жисмга чуқурроқ қараб, унинг барча қўп сонли бўлақларини уйғунлашиб кетганлигини сеза бошлаймиз”¹.

Ҳар қандай предметнинг шакли (бу ўринда одам боши ҳам)

¹ Леон Батисто Альберти. Десять книг о зодчестве.


Три книги о живописи: 2 жилдди. 2-жилд 42-бет

кўп сонли юзалардан иборат 1-расм. Расм чизувчининг вазифаси бу юзалар маълум шаклни ҳосил қилган ҳолда ўзаро қандай уйғунлашиб кетганлигини тўғри тушунишдан иборатдир. Лекин бу шаклни қоғозда тўғри тасвирлаш учун талаба катта, уч ўлчамли жисмнинг реал кўринишини илғаб олиши, яъни ўз идрокини фазодаги кўриниши билан қоғоз сиртидаги кўринишига мослай ола билиши керак. Бош шаклини тасвирлаш чизувчидан перспектива назарияси борасидаги билимлар, тасвир қуриш жараёнида эса уларнинг қоидаларидан фойдалана билишни талаб этади.



1-расм.

Кўп йиллик амалиёт натижалари шуни кўрсатадики, оддий геометрик жисмнинг перспектив тасвирини қуриш унчалик қийин иш эмас, лекин одам боши каби мураккаб шаклнинг перспектив тасвирини бажариш анчагина мураккаб иш. Шунинг учун таълимнинг педагогик принципи — оддийдан мураккабликка, умумийликдан хусусийликка принциpidан келиб чиқиб уйғониш даври рассомлари бошни тасвирлашга ўргатишда энг оддий геометрик шаклларни қўлладан келиб чиққанлар, яъни ҳам яхлит бош, ҳам унинг ҳар бир



2-расм.




3-расм.

қисмини геометрик асосда қўришга ва тасаввур қилишга ўргатганлар. Расм чизувчи ана шу принципга амал қилиб, бошни ҳайкал каби йўниб унинг умумлашган шаклини тасаввур қилиши керак. Бу А.Дюрер расмида кўргазма тарзида берилган (2-расм). Одам боши шаклини тасвирлашни таҳлил этиш ва қўришнинг бундай усули билан кўп расомлар фойдаланганлар. Гольбейн (3-расм), Шон (4-расм) чизган расмлари бунга мисол бўла олади. Амалиёт иунги исбот этдики, кесиб ишлаш усули тасвир қўришнинг перспектив қўрилиш қондасини ўзлаштириб олишни анча енгиллаштиради. Уйғониш давридан кейин, ҳатто ҳозирги кунгача бу услубдан расом педагоглар фойдаланиб келмоқдалар.

Бинобарин, стук расом-педагог Д.Кардовский расм чизиш принциплари ва ўқитиш услублари ҳақида гапириб шундай деган эди: “Хўш, шаклнинг ўзи нима? — Бу геометрик жисмлар жумладан: куб, шар, цилиндр ва ҳоказолардир. Улар у ёки бу характерга эга бўлган жисмлардир. Тирик натураларнинг шакллари албатта тўғри геометрик шакл бўла олмайди, лекин аслида улар ҳам ушбу геометрик шаклларга яқин туради”¹.


¹ Расм чизиш бўйича ўқув қўлланма. 9-бет



4-расм.

XVII-XIX аср рассом-педагоглари ҳам мураккаб шаклни тасвирлашда энг содда геометрик шакллардан келиб чиққанлар- (Каррачи, Прейслер, Лосенко, Шебуев, Сапожников, Дюсюи, Чистяков, Ашбе ва кўнчилик бошқалар). Масалан, югослав рас- сом педагоги Антон Ашбе бош расмини чизишга ўргатиш тизи- ми учун “шар принципи” ва тус билан моделлаштиришни асос қилиб олган. Рассом ва педагог Д. Кардовский тасвирлашнинг да- стлабки босқичида “кесиби” чизиш усулидан фойдаланишди, деб ҳисоблашган. Шунини такидлаш зарурки, турли мактаблар- нинг ва йўналишларнинг деярли барча рассомлари битта хуло- сага келганлар: бош тузилишини тасвирлашда умумий ҳажм кўри- нишини бўрттирган ҳолда катта шаклдан бошлаш, шундан кей- ингина бўлақларга ўтиш керак.


Бош тузилишининг умумий шакли нима ўзи? Бу ўз кўри- ниши жиҳатидан тухум шаклини эслатувчи уч ўлчамли ҳажмли



5-расм.

жисмдир. Бош расмини чизишга ўргатишда ҳамма ўқитувчилар талабалар диққат этиборларини шакл қурилишининг ана шу хусусиятига қаратганлар. Бу нарсани биз Прейслер, Лосенко, Сапожников, Кардовский ва бошқаларнинг ўқув қуролида ҳам қуришимиз мумкин. Рассом-педагоглар одам боши расмини тасвирлашни ўргатар эканлар, ҳар доим унинг тухумсимон шаклининг таҳлилидан бошлаганлар. “Ўқув қаламтасвири” қўлланмасида (М.Искусство, 1953) А.Соловьев, Г.Смирнов, Е.Алексеева бош расмини чизишни тухумсимон масса тусини тасвирлашдан бошлашни тавсия этганлар. (5-расм). Бу ўрида бошловчи рассомга бошнинг қисмлардан эмас, балки умумийликдан, дастлаб унинг умумий шаклини, шундан сўнг эса аста-секин бўлақларини тасвирлашни ўзлаштириб олишни тавсия этганлар.

“Кесиб ишлаш” усули қоғоз юзасида бош шаклининг ҳам умумий ҳам таркибий қисмларини тўғри тасвирлашга ёрдам беради. Бу усул талабаларнинг диққат этиборини ташқи бўлақларга (қонлар, кириқлар ва ҳ.к.) эмас, балки катта шаклининг



6-расм.

асосий мазмунига қаратиш имконини беради. Буни тушуниб олиш қийин эмасдек туюлсада, лекин уни расмда кўрсата олиш анча мураккаб ишдир. Бу масалани анча енгиллаштириш учун ўтган асрдаги француз рассомлари ака-ука Дюпюилар бош расмини чизишга ўргатишга шу усулдан фойдаланганлар (6-расм).

Бош шаклини таҳлил қилар эканмиз, умумий кўринишда унинг қалла суяги билан йўғрилган тузилишнинг маълум қонуниятларига эга эканлигини кўрамиз.


Маишхур ҳайкалтарош А. Голубкина шундай ёзган эди: “масалан, юз тузилишини қисмларга ажратиб ташланг, сиз уларнинг ҳаммаси 14 та асо-

сий бўлақлардан иборатлигини кўрасиз: 1-пешона бутрилари билан ўрта пешона, пешона бутрларидан чакка қисм суягигача 2-та режа, 2-та чаккадан даҳангача, 2-таси даҳандан настки қисм жағ четигача, 2-таси кўз косачаларигача, 2-таси кўз косачаларидан бурун ва оғиз бурчакларигача 2-таси оғиздан жағ суяги ва чайнаш мускулигача ва бурундан даҳан остигача. Ҳамма инсонларнинг юзлари ҳам ҳар доим ана шу 14та режадан иборат бўлади: фақат режа шаклларигина ўзгаради холос”¹. А. Голубкина бошнинг схематик расмини тавсия этар экан, умумий шаклни тўғри тасвирлашга ёрдам берадиган асосий юза ва чегараларнинг тақсимланишига эътиборни қаратиш лозимлиги ҳақида гапирди.

Профессор М. Курилко бош шакл тузилиши схемасини таҳлил қила бориб, бунда бош қисми юзаларининг ўша 14та юзасига асосланган ва деталарни бўлақларга шакл беришда (бурун, кўзлар, лаб, даҳан) аниқликлар киритган ҳамда бош ва буйин шакллари ўртасидаги боғланишни кўрғазма тарзида кўрсатиб берган.

¹ Голубкина. Несколько слов о ремесле скульптора. 80-бет

Тасвирда бош шаклининг умумий характерини бруттириш ва кенгликда алоҳида юзалар йўналишига аниқлик кирита бориш, тўғри шакллашни кузатиш керак. Расмда катта шаклни кўрсатишдан энг асосий мақсад шундан иборатки, унда бош шаклининг яхлит, энг характерли жойларини алоҳида бруттириб кўрсатишдир. Катта шаклни ифодалаш усули буйича ишлаш рассомни шакл тузилиши икир-чикирларидан воз кечиб, фақат ҳажмининг катта бўлақларига эътиборни қаратиш, яхлитлик,



7-расм.

умумийликни кўра билишга интилишга мажбур этади. Яхлитликни кўра билишга ўргатиш учун бу яхлитлик қандай элементлардан ташкил топганлиги, бу бўлак ва қисмлар ўзаро қандай уйғунланишини билиш керак. Бош шаклини тўғри тасвирлаш талабадан натурани кўриб чиқиш ва тасвирлашда методик босқичларда ишлашни талаб этади. Тасвирда катта шаклни таҳлил қилиш ва ифодалаш усулини эгаллаш, чизувчига тасвир тузишнинг натижаларини олдиндан кўра билиш, яъни унинг чизаётган расми охир оқибатда қандай кўриниши касб этишини олдиндан тасаввур этиш тажрибасини беради.

Бундай ўқув машқлари асосида таҳлилий усул ётиши керак. Рассом бош шаклини тасвирлар экан, ҳажм алоҳида юзалардан қандай ташкил топа боришини, шаклнинг конструктив асоси қандай шаклланаётганини кўра билиши керак. Рассом шаклни ўс томоша қилаётгандек, қалам тутган қўл ҳаракати эса, расмдаги ана шу майда-чуйдаларсиз умумлашган шаклни иластик ифодалага бўйсундириши керак.

Бош шаклининг ҳажмини тасвирлашда шу нарсани назарда тутиш керакки, бошнинг иккита асосий қисми мавжуд. Булар: калла суягининг шарсимон шакли ва тақасимон жағ суяги шаклидир (7-расм). Кўпчилик расм чизувчилар соқолли эркак кишининг бошини тасвирлашда бу хусусиятни четда тушириб



8-расм.

қолдирадилар. (масалан, Гомер, Зевс, Геракл ва бошқаларни чизишда). Бу ўринда даҳан, яъни жағнинг пастки қисми орқа калла суягидан узоқлашиб қолгандек, худди ҳавода муаллақ тургандек, калла суяги қобигидан чиқиб қолгандек туюлади. Рассом калла суягининг умумий тузилишини ҳисобга олиб жағнинг остки қисмини калла суягининг асосий сўнгалари билан тўғри туташтириши лозим.

Бош шаклини ва унинг таркибий қисмларини таҳлил этишда давом этиб, катта шаклни бўртириб чиқариш билан боғлиқ яна бир қатор қонуниятларни таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, бурун шакли асосида призма ётади. Бурун шакли тузилишининг бу қонуниятини билган рассом учун уни қоғоз юзасида тасвирлаш энди унчалик қийинчилик туғдирмайди. Расмда бурун шаклининг перспектив кўринишини бериш анча мураккаб иш. Призманинг перспектив кўринишини кўриш ҳатто эндигина бошловчи рассомга ҳам унчалик қийинчилик туғдирмайди. Бундан ташқари, шакл ва уни юзада ифодаланишнинг бундай таҳлил қилиш усулидан фойдаланиш рассомга шаклни тус жиҳатдан ҳам ҳал этишга ёрдам беради. Қоғоз сиртидан тўрт юза билан чегараланган бурун призмасини белгилаб олган рассом дарҳол тус аломатлари - нур, соя, ярим сояларни ажратиб олади ва шундан сўнг бурунни ўзига қараб характерини аниқлайди ва шаклни майда, бўлақларини моделлашга киришади. (8-расм). Кўз шакли шар шакли билан бир хилдир ва махсус адабиётларда “кўз соққаси” деб юритилиши бежиз эмас. Лекин бош расмини чизишда шуни ҳисобга олиш керакки, кўз соққаси (ўзбек шеваларида “кўз косаси” ҳам деб юритилади) кўз косасининг учдан бир


қисмигина ташқарида кўрипади. Бундан ташқари, кўз соққаси ва кўз косасига ўтишдан қовоқлар мўътадилаша бошлайди ва шаклга ишлов бериш босиқроқ бўлиши керак. Қушнчча талабалар кўзнинг шарсимон шаклини ифодалай туриб “пингпон коп-токчасини” чизиб кўядилар ва бу инсон бошининг реал кўри-ниш шаклига путур етказади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бошни тасвирлашнинг дастлабки босқичида “кесиб ишлаш” усулидан фойдаланганда бўрттириб юбориш ва “кубизм” яратишга берилиб кетиш керак эмас. Бундай ҳолатни баъзи расм чизувчиларда кузатиш мумкин. Босқичли вазифа ишланда шакл тузишнинг йўниб ишлаш бос-қичи унчалик аҳамиятли ўринни эгалламайди, фақат рассомга ёрдам беради холос.


“Кесиб ишлаш” усулидан фойдаланиб тасвирлашда расм чизувчида энг асосий нарсани кўра билиш, кўринган нарсани маънавий идрок этиш ва мазкур пластик образини очиқ тасав-вур этиш малакасини орттиради. Агар рассом бош шакли хусу-сиятларини идрок эта олмаса ва тасаввур қилмаса, фақат ўз туй-ғулари билан чекланиб қолса, у ҳолда у натурадан пассив тарзда нусха кўчиришга, ташқи кўришни шундайлигича ўхшатиб кўя қолишга мажбур бўлади. Рассом образли тасаввур билан ишла-мас экан, умумлаштиришга яқинлаша олмайди, ёки идрок этиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бундай тасаввур борлиқ-дан тушириб олинган сурат, гўёки натуранинг умумлашган об-разидир. Психолог Б.Ломов тасаввур қилиш жараёнини тушун-тира бориб у ёки бу объектни тасаввур этиш уни кўп марта лаб идрок этиш жараёнида шаклланади деб таъкидлайди. “Идрок этишдан тасаввур қилишга ўтишда образ тузилмаси ўзгаради. Объектнинг бир аломати худди бўрттириб кўрсатиладигандек, кучайтириладигандек, бошқалари эса қоронғуда, эътибордан қолиб кетаётгандек ва заифлашаётгандек туюлади. Бошқача айт-ганда образ схематизми содир бўлади” — деб ёзади¹. Шундай қилиб, расм чизиш санъатини эгаллашда “Кесиб ишлаш” усу-лининг самардорлиги ва мақсадга мувофиқлиги фақат бадиий амалиётида эмас, балки психология - педагогика фанлари маъ-лумотлари билан ҳам ўз исботини топган.

“Кесиб ишлаш” усули рассомга тасвир қуришнинг услу-бий босқичларини ўргатибгина қолмай, балки реалистик санъат

¹ Ломов Б.Ф. Методические и теоретические проблемы психологии. 168-бет.



9б-рассм.




9а-рассм.

тидини эгаллашга ҳам ёрдам беради. Талаба юзанинг кенгликдаги йўналишини аниқлаганда ва ушси расмда тўғри бера олишга интилганда у объект образини графика воситалари билан беришга ўрганади, бинобарин расм тилига эга бўлади.

Лекин расмда таҳлил ва ифодалаш усулини ўрганиш талаба учун кўпинча қийинчилик туғдиради. У "Катта шакл" тузилишининг умумий кўринишини тасвирлар экан, одатда бошнинг чизиқди ташқи кўриниши билан чекланиб қолиб, на бош шаклининг характери ва на унинг ҳажмини ўрганмай туриб бир йўла булукларини тасвирлашга ўтиб кетади. Шундан у шакл асосини юзага чиқармай туриб, деталларни буруп, кўз, лаблар шакли тузилишларини кўчириб чиза бошлайди.

Шунинг учун ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек "кесиб ишлаш" усули билан катта шакл ифодасини беришнинг услубини ўзлаштириб олиш учун махсус машқлар қилиш зарур бўлади.

Дастлаб бундай машқларни гипсдан ишланган бошни олдингизга қўйиб чизишдан бошлаш мумкин. Бунинг учун бошнинг умумлашган шаклини яхлит ҳолда тасвирлаб, кейин эса асосий деталларининг катта шакллари, гўё бурунни эмас, балки призмапи, бинобарин ҳаммасини умумлашган кўринишида чизиш вазифасини кўйинг. Бунда бурун призмасини кўзнинг шарсимон шакллари белгилаб олиб қисмлар ва яхлитлик ўргасидаги пропорционал муносабатлиликини диққат билан кузатиш зарур. 9а,б-расмда бундай машқларни бажара бориб кесик бош шаклини ифодалашга жалб этилган мақсад эмас, балки тасвир қуриш жараёни билан ижодий боғлиқ бўлган бошланғич, хизмат босқичи эканлигини тушуниб ётсин. Шунинг учун гипс моделлардан бажариладиган "кесик"нинг соддалангтирилган ифодаси билан бирга тирик бош расмларни ҳам чизиши керак. Рассом ойнага қараб ўз расмининг чизса, бу усул яхшироқ ўзлаштирилади. Бу ўринда у диққатини тортадиган майда деталларни кўчириб қўя қолишдан бош тортиб, фақат ҳажмининг асосий массасини чизишга диққат-эътиборини қаратиши, бу борада ундан катта ирода ва қўйилган вазифани бажаринга бўлган ишонч ҳисси талаб этилади. 9^а-расм бундай вазифани бажариш машқи қўл келади. Бунда биз талабанинг иккинчи даражали аломатлар (соч турмаги, тери ажинлари ва ҳоказолар)га аҳамият бермай бошининг асосий "катта" шаклини ва унинг таркибий қисмлари — буруннинг призматик шакли, кўзларининг шарсимон шаклини ва лаблар ҳамда



10-рasm.

11-рasm.

даҳанининг умумлашган шаклларини бажаришини кўрамиз. Йўниб ишлаш усули одатта айланиб қолмаслиги, балки тасвир тузининг қисқа босқичи сифатида қаралиши учун бир йўла янада реал ифодали расм ишлаш ҳам зарур (9⁶-рasm). Тасвир тузининг умумий жараёнини ўзлаштириш учун гинс бопдан давомли расм чизиш керак. Бу тоншириқлар машқ каби қаралганлиги учун бундай расмни чизишга кўпи билан 3-5 соат вақт сарфланади.

Катта шаклни кўра билиш ва уни тасвирлаш ишда муваффақият қозонишга кўмак бўлади. Расм чизишнинг буюк усталари катта шаклни ажиб тарзда эгаллаганлар. Масалан, В.Савицкийда бу нарсани яхши кузатиш мумкин. (10-11-рasmлар). Бу ерда биз кўз олмаси шарсимон шаклини, бурунниш призматик шаклини, бошнинг тухумсимон шаклини аниқ кўрамиз.

Гуё бу нарсаларни бунчалик майдалаб тушунтириш талаб қилиниши зарур эмасдек бўлса ҳам талабалар таълимининг дастлабки босқичларидаёқ умумийликка деган принцитни яхши ўзлаштириб оладилар. Лекин амалда бу принцишни ҳар турли йўллар билан амалга ошириш мумкин. П.Чистяков ўз ўқувчиларини (югирдлари) “синов расм чизиш” тизими йўли билан,

А.Соловьев тус оҳангдошлик йўли билан таълим берган, А.Дейнека чизиқли-конструктив расмдан қочган.¹ Шу билан бирга расмга турлича ижодий ёндошиб бўлишига қарамай, патура таҳлилининг принциплари ва бош тузилиш шаклини реалистик ифодалаш билан қуриш қонуниятлари ҳамма учун ягоналигича қолади. Чизувчи буларнинг ҳаммасини яхши тушуниб олиши учун унга доимий ва батафсил тушунтиришлар зарур.

Талаба тасвирда бошнинг асосий шаклини ифода этишни ўрганиб олиб, шакл таркибини янада чуқурроқ ўрганишга ўта бошлайди. Одам бошининг шакли жуда мураккаб ва у конструктив асос билан белгиланади. “Конструкция” дейилганда биз “тузилиш” қисмларининг ўзаро жойлашуви, шакл таркибини назарда тутамиз. Биз “конструктив жиҳатдан уйғун” деталлашмизда яхши қурилган тасвирни назарда тутамиз.

Одам бошини тасвирлашда муваффақият қозониш учун шаклнинг конструктив жиҳатдан кўричишини кўриш ва уни расмда ифода эта билиш қонуниятларини тушуна билиш керак.


II-БОБ. ЧИЗИҚЛИ – КОНСТРУКТИВ ТАСВИРЛАШ УСУЛИ

Оддий геометрик жисмлар, вазалар, устун қошларини (канителлар ва ҳоказоларни) тасвирлашда расм чизувчидан энг аввало шаклнинг конструктив асосини яхши тушунтириш ва уни чизиқли расмда тўғри акс эттира билиш талаб этилганидек одам бошини тасвирлашда ҳам унинг конструктив асосини таҳлил қилиш ва уни чизиқли конструктив асосда ифода эта билиш зарур. 12-расмда А.Дюрер ишлаб чиқан одам боши схемасининг чизиқли-конструктив тасвири бунга мисол бўла олади.

Биз бош шаклининг конструктив асосини таҳлил қилар эканмиз, қатор қонуниятларни таъкидлаб уларни расм чизиқда ҳисобга олишимиз зарур. Бу қонуниятларни А.Дюрер расми бўйича қараб таҳлил қилиб чиқайлик.

Бош шакли гўё асосий 4 та параллел – горизонтал юзалар билан кесилганидек: соч билан қошлана бошланиш жойи, қош усти ёйларидаги чизиқлар, бурун ва даҳан асослари. Ана шу юзаларга перпендикуляр равишда бошнинг тухумсимон шаклида

¹ Ростовцев Н.Н. Очерки по истории методов преподавания рисунка. 253-258-бетлар.




12-расм.

Ўзининг кўргазмалилиги ва ишончлилиги жиҳатидан бу схемадан кўпчилик rassom — педагоглар бош суратини чизишга ўргатишда ҳозирги кун ўқув жараёнида ҳам фойдаланадилар.


А.Дюрер изидан бориб rassom-педагоглар бош расмини чизишга ўргатишда бош шаклининг конструктив асосини ифодалашда ўз схемаларини ишлаб чиқа бошладилар ва улар ёрдамида ўқувчиларга ўқув материалларини тезроқ ва яхшироқ ўзлаштириб олишга кўмаклашдилар. Масалан, rassom ва педагог А.Лосенко бир қатор методик жадвалларни ишлаб чиқдики, уларда бошнинг кенгликдаги

вертикал юзада кесишадими, у юза устида кўпдананг чизик ҳосил қилади. Бу вертикал юза уни икки тенг қисмга ажратади., у ҳосил қилган профил чизик эса бош ташқи кўринишини икки симметрик яримга ажратади.

Горизонтал юзалар эса бошни қисмларга ажратади ва соч қоплами, қош усти ёйлари, бурун ва даҳан асосларини ҳосил қилади. Шундай қилиб, ушбу схема бош шакли пропорционал қисмларга ажратиш қонуниятини тасдиқлайди.



13-расм.




14-расм.

бурилиши ва ҳолатига қараб бош схемаси перспектив кўришининг ўзгариш қонуниятларини кўргазмали равишда кўрсатиб берди (13-расм). Асосий конструктив чизиқларнинг (соч қопламаси, қош усти, бурун ва даҳан асоси, шунингдек профиль чизиғи) йўналишлари жадвалда пунктир чизиқлар билан берилган. Бу билан Лосенко аслида бундай чизиқлар йўқ, улар шартли бўлиб, бошни тасвирлашда rassom буларни хаёлан тасаввур этганини таъкидламоқчи бўлади.

Ўтган асрнинг буюк rassom-педагоги А.Сапожников бошнинг симли моделини яратди. (14-расм). У расм чизувчига шаклнинг конструктив асоси ва перспективаси ҳосил бўлишини тутиқчи этишга ёрдам беради. Бу моделнинг мақсад-вазифаси ҳақида А.Сапожников шундай ёзади: “Бадий Академия императорлиги кенгашига мен тузган “бошланғич расм курси”нинг бир нусхасини, унга тегишли моделлар солинган қутини ва сим-

дан ясалган бош моделини юборишга жазм айладим. Уларни ўз марҳаматингиз доирасида қабул қилишингизни ўтичиб сўрайман. Агар ушбу модель Академиянинг расм чизиш синфларида фойда келтирса мен жуда бахтли бўлардим. Агар бу моделини худди шу бурилишда намуна хизматини ўтайдиган гиёс бошининг олдига қўйиб ишланса, у ўзини таркиб тошгирган қисмларининг перспектив ўзгаришини англаб олишга ёрдам беради”.

Кейинчалик одам боши расмини чизиш услубиятини ишлаб чиқа бориб ҳар бир қўлланма муаллифи конструктив схемадан фойдаланиш усулларини ўз билганларича таърифлай бошлайдилар. Кимдир А.Дюрер схемасини асос қилиб олар ва дарҳол ҳамма конструктив чизиқларни белгилаб олишни тавсия қиларди. Бошқалар Г.Гольбейн схемасини афзал кўрарди, учинчи бирлари эса унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланишга интидилар. Расмда ҳамма конструктив чизиқлар шартли равишда, шакл юзаси бўйлаб ўтади. Конструктив чизиқларнинг аниқ жойлашини (уларни қайси жойларидан ўтказиш) қўлланмаларда кўрсатилмаган. Бу эса таълим олаётган расм чизувчининг ишини анча мураккаблаштиради. Масалан, талаба профиль чизиғини тасвирламоқчи, лекин бу чизиқ қаердан ўтиши кераклиги



15-расм.

унга номаълум. Кўпгина қўлланмаларда профиль чизиги пешона юзаси ва бурун учига теккан холда мавҳум ўтказилади. Расмда бундай чизиқ бош шаклини қуришда мўлжал бўла олмайди. Бу ҳақда биз расм устида ишлаш услубий босқичи ҳақидаги бобда яна тўхталамиз. Шунингдек даҳан, бурун, қош усти, кўз кесими асосларининг чизиқлари жойлашганлиги ҳам номаълум. Ўқувчи уларни кўр-кўрона бош шаклини тасвирлаш учун бу чизиқларнинг зарурлигини тушунмай туриб чизаверади.


Бу масалага тўла ойдинлик киритиш учун биз ҳар бир чизиқ калла суяги бўлаклари билан асосланадиган анатомик қурилиш қонуниятларига боғлиқ равишда одам бош шаклининг чизиқли-конструктив схемани кўриб чиқишни тавсия этамиз.

Чизиқли-конструктив схема бўйича бош шаклини таҳлил қилар эканмиз, профиль чизиги соч қошлами ўртасидан, қаншар ўртаси, бурун асоси, лаблар тугашмаси (бантиги) ва жағ суяги ўртасидан ўтишини кўрамиз (15-расм). Бош шакли профиль чизигининг тугашган нуқтасининг юзида эмас, калла суяги сўнгаларидан қидириш керак. Масалан, бурун призмасида профиль чизиги призманинг олд юзасида эмас, балки орқа юзасида жойлашади. Бурун учун профиль чизигига нисбатан бошнинг кенгликдаги ҳолатига қараб ўзгариши мумкин. Даҳан асосида профиль чизиги даҳан юзасида эмас, (гарчи даҳандаги чуқури яхшигина мўлжал бўлса ҳам), балки жағ суягида жойлашади.

Расмом профиль чизигининг жойлашшини билса у бошнинг кенгликдаги ҳолатини ҳам осонгина аниқлаб олади. Бунинг учун ҳаёдан тўғри чизиқ билан профиль чизиги тугашган нуқтага қош усти (қаншар) ва даҳан асоси профиль чизиги тугашган нуқта билан бирлаштириш керак ва бу чизиқлар ўртасида қандай бурчак ҳосил бўлишини аниқлаб олиш зарур ва бош ҳам вертикал, худди шу оғишликда бўлади.

Профиль чизиги шунингдек расмомга бош шакли тасвирини қуришда ҳам ёрдам беради. Профиль чизиги бошни икки симметрик қисмга ажратганлиги учун ҳам расмом жуфт шакллари-нинг (жағ суяклари чизиги, кўз косалари, лаб бурчаклари, бурун тепиклари) жойлашувини ҳам осонлик билан кузата олади, улар расмда бир йўла белгиланади: жағ суягининг ўнг чизигини белгилаш билан дарҳол унинг чап чизиги ҳам белгиланади, чакка суяк четлари ўнгда ва чақда бир йўла белгиланади ва ҳоказо.

Горизонтал конструктив чизиқлар ўзаро параллель бўлиб, бошни пропорционал қисмларга ажратади. Соч қошлами (15-расм



16-расм.

нинг олди қисми учта тенг қисмларга ажратилин ҳақида хулосага келганлар.

Кейинги аср rassomлари нисбатлар қонунини ишлаб чиқар оқанлар, тадқиқотнинг ҳар хил усулларида ҳам худди шу хулосага келганлар. Масалан, А.Лосенко ўзининг “одамнинг қисқа пропорцияси ёки академик шаклини чизиш” асарида бошни учта тенг қисмга ажратишни кўрсатган (16-расм): В.Шебуев ўзининг “Антропометриялар” асарида ҳам бунга ишора қилган. (17-расм).

Лекин, кейинчалик Бадий академия мактабининг душманлари қоида ва қонунларини ўргатишга қарши чиқадилар, улар санъатда классик меъёрларни тан олмадилар ва бинобарин бош шакли тузилиши схемалари, шунингдек, уч тенг қисмга пропорционал бўлишини ҳам улар ҳар бир инсон индивидуал ва ҳамма кишилар учун ҳам бош шаклининг тузилиши борасида аниқ ва бир хилдаги қонун бўлиши мумкин эмас, деган асосда буларни рад этадилар.


Биз бош тузилишининг анча енгиллаштирадиган ва бош шакли қурилишининг аъёнаний қонун, қоидаларини ҳамда схемаларини ҳикоя қилган ҳолда уларни юксак даражада ва бенуқсон тасаввур эта олмаймиз. Лекин биз қатъий тарзда таъкидлаймизки, расмда шакл қурилишининг бу қонун, қоида ва схемалари

А текислиги), қош усти ёйлари (15-расм Б текислиги), бурун асослари (15-расм Г текислиги) ва даҳан (15-расм Е текислиги) чизиқлари бошни тенг уч қисмга ажратади.

Бошнинг пропорционал қисмларга ажратиш қонуниятини қадимги rassomлар аниқлаб берганлар. Биз бош шаклининг уч қисмга ажратиш қонунларини Қадимий Греция ва Рим rassomларида ҳам кўришимиз мумкин.

Уйғониш даври rassomлари математик ўлчамлар асосида бош

бунчалик ҳақиқатга яқинки, улардан ҳозирги замон рассоми амалиётида бемадол фойдаланиш мумкин. Одам боши шакли қурилишининг Дюрер схемаси абсолют ҳақиқат эмас, аммо у сўзсиз шаклнинг конструктив асосини очиб беради. Ўтмишдошларимиз бошни тенг уч қисмга ажратиш ҳақидаги ёзган қонуниятлари ҳар бир тасвирланажак киши учун абсолют пропорция эмас, лекин унинг бош тузилиши пропорционал тарзда қисмларга бўлиниш қонунияти ҳақиқатдир. Леонардо да Винчи уша пайтлардаёқ бу нарсани исботлар экан, шундай расм чиздики, унда бир-биридан тенг



17-расм.

масофада турган тўртда горизонтал параллел чизиқлар ўтказилган ва ана шу чизиқлар доирасида майиб-мажруҳлар бошини-калга бурун, кенг пешона, узун бурун ва кичик даҳанлар... Леонардо да Винчи бу расми билан ҳатто энг куйи характердаги бошларни тасвирлашга ҳозирги замон рассомлари қадимий қонуниятларидан фойдаланиш мумкинлигини исбот этди.

Мумтоз қонуниятлар билан танишини расм чизувчига тирик бош қурилишининг пропорцияларини ва ўзига хос хусусиятларини тузатиш ва тўғри аниқлашга ўргатади. Бу қонуниятларни билиш рассомга натурада кузатиладиган қонуниятдан четта чиққан аломатларини сезишга ёрдам беради. Бош шакли қурилиши (ҳатто схематик) қонуниятларини билиш рассомга тасвир этилаётган турли характерларни кузатиш ва дарҳол тасвирга тузатишлар киритиши мўлжалдаги расмга аниқлик ва ўзгартиришлар киритишда кенг имкониятлардан фойдаланиш имконини беради. Натурани кузатувчи талаба, бошнинг қийшиқ чиқиб қолмаслиги, пропорциялар ўртасида қўпол бузилиш бўлмаслиги

учун ишени осонлаштирувчи йўллардан фойдаланиши керак. У ўзидан олдинги ва унинг ишида ёрдам берган рассомлар фойдаланган меъёр, қоида ва қонуниятларни билиши керак.

Шакл тузилишининг қоидалари, қонун ва схемалари рассом ишида таягч нуқта ҳисобланади, улар реал борлиқни идрок қилишга қалит, шунингдек тирик бошнинг мураккаблиklarини тушуниб етишга ва натурадан, биринчи навбатда, энг асосий жойини илғаб олишга қўмаклашади. Академик расм чизиш қоидалари ва қонуниятларини билиш талаба учун ўз санъатини эгаллаб олиши учун зарур. Буюк Гёте шундай ёзган эди: “Табиатдан рассом бўлган киши табиат ўзи берган қонуниятлар қоидаларга мувофиқ равишда ҳаракат қилиши керакки, бу қонуниятлар унга зид бўлмаслиги, унинг бугун бойликларида иборат бўлиши керак. Чунки уларнинг ёрдамида у ўз-ўзини бўйсиндириш ва ўз қобилият-истеъдодини табиатнинг буюк бойликлари каби қабул қилишни ўрганади”¹.

Бош шакли қурилишининг схемаси ва унинг пропорционал қонуниятлари аввал айтиб ўтганимиздек, калла суягига асосланган. Шунинг учун натура бўйича конструктив чизиқларнинг жойлашишини белгилан керак. Шуни назарда тутиш керакки, улар калла суяги сўнчаги асосида ётадилар. Агар биз даҳан асоси конструктив чизиғини натурадан қидирадиган бўлсак, у ҳолда уни даҳан юзасида эмас, балки жағ суяги бўртмасида тасаввур қилиш керак бўлади. Бурун асосининг чизиғи бурун учидан эмас, балки бурун тешиклари асосида ўтади: бурун учи расмда ё пастда ёки бурун асоси чизигидан юқорида жойлашган бўлиши мумкин. Одам боши қурилишининг конструктив схемасини билиш расм чизувчига тасвирлашга перспектива қонуниятларига риоя қилишга ёрдам беради, натурадан кўр-кўрона нусха кўчиришдан қайтаради. Агар рассом конструктив чизиқларни яхлит ўзлаштириб олса, бош шакли тасвирини тўғри қуриш энг мураккаб перспектив вазиятларда ҳам унга унчалик қийин бўлмайди. Буни тушуниб олиш учун ўз схемамиз таҳлилига қайтайлик (15-расм).

Соч қошлами асосларининг чизиғи шу қошлам чизиғи асосидан ўтади.

(15-расм, А текислиги). Ҳатто сочи тўкилиб тақир бош бўлиб қолган кишида ҳам соч қошламаси излари ҳар доим кўриниб туради. Қош усти ёйларининг чизиғи қош усти суяклари чизигидан ўтади, аниқроқ айтадиган бўлсак, асаб каналлари тешигидан ўтади (15-расм, Б текислиги). Бу схемада стрелкалар билан кўрсатилган.

¹ Гёте об искусстве. 91-бет.

Бурун асосининг чизиги бурун илдизи устидан ва жағ суякларининг пастки четидан ўтади (15-расм, Г текислиги). Бурун асоси ва қош усти ёйлари чизиклари орасида кулоқлар жойлашади. Ҳуқувчи бу қонуниятни била туриб бошнинг кенгликдаги ҳолатини тез ва тўғри аниқлай олади. Масалан, жуда мураккаб оғма ва бурилишга эга бўлган Аполлон ва Ангиной гипс бошларини чизишда у одатда бошнинг нечоғлик эгиклигини аниқлаб олишга қийналади. (у пастга қараганми? Ёки орқага ташлаброқ турибдими). Расм чизувчи бош шакли қурилишининг конструктив хусусиятларини билиб бошнинг кенгликдаги ҳолатини ҳеч маппаққатсиз аниқлай олади. Фақат бурун асосига нисбатан кулоқларнинг жойлашишини аниқлаб олса бас: агар кулоқлар бурун асосидан пастда бўлса — бош орқага ташланган, агар кулоқлар бурун ва қош усти асосларидан юқорида бўлса — бош пастга эгишган бўлади. Даҳан асоси чизиги жағ суягининг олд бўртмаси ўртасидан ўтади. (15-расм, Е текислиги).

Қош усти ёйларидан бурун асосигача бўлган кесма, ўз навбатида учта тенг қисмларга ажрайди: биринчи қош усти ёйлари билан ва иккинчи қисмлар ўртасидан кўзлар кесма чизиги ўтади, кўзлар қаншар ва кўз ёши қончилиги бурчакларини кесиб ўтади, аниқроқ айтадиган бўлсак, чакка ва жағ суякларини бирлаштирувчи чоклар орқали (15-В расмда стрелкалар билан кўрсатилган). Кўз кесмалари чизигини ҳам учта қисмларга ажратиш мумкин. Кўз бурчаклари четлари ўртаси, бошқача айтганда кўзлар ўртасидаги масофа кўзлар катталигига тенг. Расм чизувчи бу қонуниятни билар экан, у оптик айданишдан қоча биледи. Масалан, Ҳуқувчи Юлий Цезарь бошини чизар экан, у кўзларни бир-бирига яқинлаштириб кўпинча хатоликка йўл қўяди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, узун-ингичка, қаншар хусусиятидаги, бурун гўё кўзлар бир-бирига яқиндек таассурот туғдиради. Чизувчи кўзлар ўртасидаги масофани ўлчаб кўрганда у кўз катталигига тенглик ҳақида ишонч ҳосил қилади.

Бурун асоси билан даҳан асоси чизиклари ўртасидаги масофани ҳам уч тенг қисмга ажратиш мумкин, бурун асоси ва иккинчи қисм ўртасида лаблар кесма чизиги ўтади (15-расм Д). У лаблар бурчагига теккан ҳолда остки ва устки лаблар чегараси бўйлаб ўтади.

Рассом бошнинг пропорционал қисмларга ажратиш қонуниятларини эсда сақлаган ҳолда у бу нарсани абсолютлаштириши ва чизғич ҳамда циркуль ёрдамида расмдаги пропорционал нисбатларни мунтазам равишда текширавериши керак эмас. Ваҳоланки, кўпчилик талабалар шундай қилаверадилар. Уйғониш даврининг буюк рассомлари сўзларини такрорлаган ҳолда шуни айтиш керакки, чизғич ва циркуль рассомнинг қўлида эмас, балки



18-расм.



19-расм.

кўзида бўлиши керак: кўл қоғозга тасвир туширади, рассомнинг кўзи эса унинг ҳағги-ҳаракатларини текшириб боради.

Хулоса шуки, одам бошини ўрганишда рассомга асосий конструктив қурилиш қонуниятлари ва расмда шу чизиқли-конструктив асосини ифодалай билиш билими катта ёрдам беради.

Бинобарин, одам боши шаклининг чизиқли-контруктив тасвири қуйидагилардан иборат: дастлаб туссиз ва ёруғ соясиз чизиқлар билан бошнинг умумий шакли тасвирланади. Шундан сўнг бошнинг олд қисми устидан профил чизиғи ўтказиладики, бу чизиқ учга тенг қисмларга ажрайди ва бу чизиқлар устидан сочлар қопламаси қони усти ёйлари, бурун ва даҳан асоси конструктив чизиқлари ўтказилади. Зарур муъжалларни белгилангандан сўнг бош деталлари: - бурун призмаси, кўзларнинг шарсимон шакллари, лаблар ва даҳанларнинг умумлашган шакллари билан белгилаб оламиз. Буларнинг ҳаммасига зарур тузатишлар киритилиши мумкин бўлган фақат битта чизиқлар билан тасвирланади. Шаклнинг конструктив асосини тасвирлашда кўл келадиган чизиқлар рассомга шакл қурилиши қонуниятларини тўғри қўллашга ёрдам беради.

Чизиқли-конструктив тасвирни белгилаб олиб, диққат билан ҳам бутун бош ва унинг ҳар бир қисми шакллари харак-

териға апиқлик киритишни бошлаймиз.

Агар биз чизиқли конструктив расми бажариш пайтида ёруғлик манбаи ўрнини алмангирсақда, шаклнинг конструктив асоси ўзгармайди (гарчи натуранинг ташқи кўриниши жуда кучли ўзгарса ҳам). Бу эксперимент шу нарсани тасдиқлайдики, натурани таҳлил қила бориб, чизиқли-конструктив асос устида ишлаётган чизувчи ҳар доим шакл устида фикр юритади.

Педагогик-амалиёт тажрибалар шунини кўрсатадики, бош шакли конструктив қурилиши схемасини яхши билиб олган талабалар кейинчалик тирик бошнинг академик расми ва ижодий портрет чизишда ҳеч қийналмаганлар. Бош шакли конструктив қурилиши қонуниятларини қатъий равишда эгаллаб олиш учун ёшларга фақат чизиқли конструктив қурилиши бўйича махсус топшириқлар бажариш катта аҳамиятга эга. 18-19-расмда Аполлон бошининг чизиқли-конструктив қурилиш тасвири ўқув вазифаси сифатида берилган.

II курсда талабалар асосан шундай вазифаларни қўлаб бажадилар, бу эса уларнинг кейинчалик тирик бош расмини муваффақият билан тасвирлашларига катта имкониятлар яратади.

Бош шакли тузилишининг чизиқли-конструктив тасвирини бажариш борасида бериладиган махсус топшириқлар талабаларга ўқув материални яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради, уларни расм чизиш пайтида доимий равишда фикрлаш ва мулоҳаза юритишга ўргатади, ёруғ-соя нуқсонларини кўр-кўрона тарзда, нассив кўчиришдан қайтаради. Чунки бундай машқлар ёрдамида расм чизувчи шакл тузилиши доимийлигича қолишини тушуна боради.

Бош шакли тузилиши қонуниятларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун талаба бундай топшириқларни нафақат ангурадани, балки хотирадан, тасаввурдан бажариши зарур. У амалиётда бундай машқлар зарурлигига ишонч ҳосил қилиши, шахсий тажрибасида реалистик расм санъатини эгаллашда улар қай даражада ёрдам бераётганлиги ҳис қилиши керак. Бундай машқлар талабанинг нафақат анатомик билимлари борасидаги қобилиятларини ривожлантиради, балки ҳис-ҳаяжон билан ёндашишдек ижодий қобилиятини шакллантиришга ҳам қаратилгандир.

Бош шаклининг чизиқли конструктив тасвирини бажаришда олиб бориладиган машқларнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Талабаларда натурага бўлган қизиқишни юксак даражада ривожлантириш.

2. Тасвир қуришда услубий босқичликда ишлашга ўргатиш.

3. Тасвир қуришнинг тўғри ва ифодалилигига риоя қилишга ўргатиш.

4. Реалистик расм чизишда ижодий жараённинг моҳиятини тушунтириш.

5. Натурани юксак ҳис-ҳаёжон билан тасвирлаш.

6. Машқлар бажаришда самарадорликни ошириш орқали кузатувчанликни ўткирлаштириш.

Чизиқли — конструктив расм ишончли ва яхши қуралган тарзда чиқиши учун бошнинг ҳар хил кенлик ҳолатидаги конструктив схемаси тасвирининг қатор хусусиятларини ҳам расм юзига яхши эгаллаб олини керак. Бош шакли конструктив тузилишининг тасвирлаш жараёни маълум қонуниятларга риоя қилишни талаб этади. Утган асрлар рассомлари бу нарсага катта эътибор берганлар. Масалан, Гольбейн ўз қаламчизгиларида (3-расм) бошнинг фазодаги ҳолатига қараб, уни тасвирлашда ҳисобга олишни ва перспектива қоидаларига, схемагик қонунларга эътиборни қаратади.

1. Агар бош бизнинг кўзимиз билан бир хил текисликда турса конструктив чизиқлар тўғри бўлади:

2. Агар бош бизнинг кўзимиздан пастроқда бўлса, конструктив-горизонтал чизиқлар эгилган бўлади ва пастга қаратилган бўлади:


3. Агар бош бизнинг кўзимиздан пастроқда бўлса, бу конструктив чизиқлар тепага қараган бўлади.

Гольбейннинг ушбу расмини таҳлил қилар эканмиз, шунинг ҳисобга олиш керакки Гольбейн Дюрердан фарқли ўлароқ, бошнинг чизиқли-конструктив тузилишини яратиш учун “салб” (крестовина) дан фойдаланган. Улар бошни икки қисмга ажратадиган икки чизиқлап (профиль чизиғи ва кўз қисми чизиғи) иборатдир.

III-БОБ. БОШ ДЕТАЛЛАРИ - БУРУН, КЎЗ, ҚУЛОҚ, ВА ЛАБЛАР РАСМИ

Бош шаклининг бўлақларини ишташ юзнинг бош қисмлари - бурун, кўз, қулоқ, лабларни тасвирлашнинг асосий қоидалари ҳақидаги билимларни пухта билишни талаб этади. Талабалар одатда бошнинг алоҳида бўлақлари расмини чизиш муҳимлигини яхши баҳолай олмайдилар. Улар буни гўё бекорга вақт сарфлаш, деб ўйлайдилар, уларнинг фикрича гипс бошнинг давомий расмини чизиш вақтида бош бўлақларини чизиш ҳам старли. Лекин талаба бош расмини чизиш пайтида кўз, қулоқ, бурун ва

лабларни тасвирлашнинг бутун позик томонларини чуқур ва махсус ўрганиб чиқа олмайди. Леонардо да Винчи бошловчи рассомларга маслаҳат тариқасида шундай ёзган эди: ... “агар сен нарсалар шакли ҳақидаги билимларга эга бўлмоқчи бўлсанг, у ҳолда қисmlаридан бошла, агар сен унинг биринчисини хотираниг ва амалда старли даражада яхши ўзлаштириб олмаган бўлсанг — кейингисига ўтма. Агар сен ўзга йўл тутаётган бўлсанг бсқорга вақтингни сарфлайсан ёки очинини айтганда, таълим олиши жараёнини жуда чузиб юборасан. Мен сента эслатиб қўймоқчиман — энг аввало




20-расм.

қунг қилишни, кейин эса тезлаштиришни ўрганиб ол”¹.

Қадимги бадиий мактабларда бош шаклини ўрганиш бурун, кўз, қулоқ ва лаб каби деталлар расмини чизишдан бошланган. Уша дастлабки бадиий академиядаёқ ака-ука Караччилардан бири ўз академияси тарбияланувчилари расмдан қўлланма тузган эди. Бу қўлланма “Бугун инсон танасини чизишга ўргатувчи ажойиб мактаб” деб номланган бўлиб, уларда ҳам бош шаклини ўрганиш бўлақлар расмини чизишдан бошланган. Кейинчалик ҳам бош бўлақларини буйича қўлланмаларнинг ҳаммасида уларга жиддий эътибор берилган. Масалан, И.Прейслер ўзининг “Расм чизиш буйича асосий қоида ва қисқа амалиёт” деб номланган қўлланмасида (1734) нафақат қулоқ шаклининг қурилиш қонуниятларини очиб беради, балки тасвир қуриш методикасини ҳам кўрсатади. Тасвир расм чизувчига қулоқ ҳолатини аниқлаб олишда ёрдам берадиган ўқ чизиқларни аниқлашдан бошланади. Шундан сўнг қулоқ супрасининг умумий айланаси ва қисmlарининг пропорционал нисбатлари белгилаб олинган.

¹ Леонардо да Винчи. Рангтасвир ўғрисида. 163-бет.



21-расм.

Шундан сўнг қулоқ жингалалари, қарши жингалалари, қайиқ-симон чуқурликларни қандай тасвирлаш кўрсатилган 20-расмда қулоқнинг турли ҳолатларда тасвирланишини мисол қилиб келтирамиз (Жульен ва А.Т.Скино қўлланмасидаги жадвал).

Ш.Жомбернинг 1754 йилги қўлланмасида ҳам бош шакли деталларини қуриш қонуниятларига асосий эътибор қаратилган. 29-30-расмда кўз қурилишининг пропорционал қонуниятлари, кўз қорачиғининг, юқори ва пастки қовоқларнинг жойланиши кўрсатилган. Бош шакли бўлаклари расмларини биз Кенигер, Жюльен, Скино, Пукирев ва Саврасов, шунишдек, Кардовский, Барц, Хитров, Соловьев ва бошқаларнинг қўлланмаларидан ҳам топамиз. Уларда ҳам расм чизувчининг диққат-эъгибори тасвир қуриш услубиётига қаратилган. Ўрта ва Олий махсус ўқув юртлари учун тузилган расм бўйича ҳозирги замон ўқув дастурларида Микеланджело Буанарротти ҳайкалтарошлик ишидан Довуд бош бўлақларининг типс намуналарини чизиш учун махсус топшириқлар кўзда тутилган.

Бош қисмларини урганиш расм бўйича ўқув дастурларида кўзда тутилган классик типс намуналар (Довуд боши) таҳлили ва тасвирдан бошлаймиз.

Бош шакли бўлақларини ишлашти бурун тасвирдан бошлади, биз ҳам ушбу вазифани бурун шакли таҳлилидан бошлаймиз.

Бош шакли бўлақлари тасвириги қуриш услубини очиб бориб, яна гўё маълум ҳақиқатга қайтгандек бўламиз. Лекин турли олий бадийий ўқув юртларидаги кўп йиллик педагогик амалиёт


шуни кўрсатадики, кўпчилик талабалар улар ҳақида унутиб қўядилар ва лозим даражадаги муваффақиятта эришмай туриб расмни жуда маъниқсиз ва бетартиб тарзда олиб борадилар.

Юқорида таъкидланганчидек, буруннинг катта шакли тўртта юзадан иборат бўлади-олдинги, икки ён ва пастки юзалар.

Эркак ва аёлларнинг буруни ҳар хил бўлишлигига қарамай бурун шакли структураси бир хил. Биз уни ўз схемамизда кўриб чиқамиз (21-расм). Бурун призмасининг олд юзаси қош усти ёйлари чизигидан бурун бугригача қаншарнинг трапециясимон шаклини ташкил қилади. (1); шундан кейин қаншардан бурун бугрисининг ўртасига қадар яна битта узайтирилган трапецияши ташкил этади (2); ундан бугри охиригача -учинчи (3), лекин ағдарилган кўринишда; ва ниҳоят охириги трапеция-бодом (4). Индивидуал хусусиятларга кўра бурун шакллари қурилиш схемаси кўриниши ўзгаради-пучуқ, қирғий бурун. тўғри бурун. Лекин уларнинг қурилиш қонуниятини ўзгармай қолаверади. Масалан, биз қирғий бурун кишини чизаятмиз. Бурун шакли структурасини таҳлил қилиб, биз кўрсатиб ўтган схема анча чўзилганлигини қайл этамиз; бундай кишиларнинг қаншарлари анча тор бўлиб, призма-буруннинг ён юзаси қаншардан кўз ёши қорачигача чуқур кириб кетади; бурун бугри энг дунг қисми одатдагидек бўлиб шаклига кўра чўзиқ, учи пастга эгилган, бодом чизиқлари кўринмас бўлади, улар ягона шаклга қўшилиб кетгандек бўлади (21-расм ўртаси).

Пучуқ бурунли кишининг қаншари кенг, буруни букри бо-тиқроқ ва кичик бўлади, бодомлари кенг ва бурун учи яхши кўришиб туради, бугун схема эса анча сиқик (21-расм, ундан охири). Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шакл характери ҳар хил бўлишигига қарамай бурун схемаси, таркиби ўзгармас, яъни тўрт қисмдан иборат бўлиб қолаверади.

Бурун шакли қурилиши қонуниятларини ўрганиб Леонардо да Винчи шундай ёзган эди: "Ўртасида бурун бугри бўлган бурун қисмлари саккиз усулда ўзгаради, бинобарин: улар ё бир хилда тўғри ёки бир хилда букилган, ёки бир хилда бўртиб чиққан бўлади-бу биринчидан; ёки улар бир хилда бўлмаган тўғри, бўўтиб чиққан ёки букилган бўлади-бу иккинчидан; ёки уларнинг юқори қисмлари тўғри, пастки қисми эса букилган бўлади-бу учинчидан; ёки юқориси тўғри, пасткиси бўртиб чиққан бўлади-бу тўртинчидан; ёки юқоригиси букилган, пастки эса тўғри бўлади-бу бешинчидан; ёки юқоригиси букилган, пасткиси бўртиб



22-расм.

чиққан бўлади-бу олтинчидан; ёки юқоригиси бўртиб чиққан, пасткиси эса тўғри бўлади-бу еттинчидан; ёки юқоригиси бўртиб чиққан, пасткиси эса букилган бўлади-бу саккизинчидан”¹.

Бурун шаклининг ташқи кўриниши ва қонуниятти асосан бурун суяги ва қошлар ўртаси пешона қисми суягининг қурилиш хусусиятларига боғлиқ бўлади (22-расм, М.Герасимов буйича). Пучуқ бурун пешона қисми олдинга анча бўртиб чиққан, бурун суяги эса ичига кириб кетган бўлади (22-расм, а).


Тўғри бурунли кишиларда пешона суягидан бурун бугригача ўгиши бир текисда бўлади. (22-расм, б). Қирғий бурун кишиларда пешона суяги бироз олдинга туртиб чиққан, бурун суяклари эса анча олдинга чиқиб, кескин пастга қараган бўлади (22-расм, в). Бурун кемирчаги ва мушакларнинг жойланиш қонуниятти ҳам шундай. Буни тирик бош расмини чизаётганда ҳисобга олиш керак. Мазкур ҳолатда биз бурун шакли ва унинг шастик характеристикаси шаклини қуришнинг умумий қонуниятларини ўзлаштириб олишимиз керак.

Бурун шакли қурилишининг асосий қонуниятти Довуд боши ҳайкал нусхасида яхши ифода этилган. Шунинг учун барча бадийий ўқув юртларида бош бўлақларини ўрганишда Довуд бошининг гипс нусхаси тавсия этилади.

Бурун расмини чизишга киришар эканмиз, тасвир қуришнинг услубий изчиллиги-оддийликдан мураккабликка, умумийликдан хусусийликка риоя қилинг. Энг аввало бурун гипс нусха-

¹Леонардо да Винчи “Рангтасвир ҳақида китоб”, 94-бет.

сининг призматик шакли-ни белгилаб олиш зарур, унинг ҳолатини ва пропорционал нисбатларини кенгликда белгилаб оламиз (перспектива қонуниятларига мувофиқ). Кейин бурун призмасининг жойлашини ва юзаларининг (олдинги, пастки ва кури-ниб турган бўлса-икки ён юзаларини) йўналишини белгилаб оламиз (23-расм). Агар бурун призмаси биз томон фронтал турган бўлса, у ҳолда олдинги юза яхши кўринади, қолганлари эса перспектив қисқаришда бўлади; агар биз бурун призмасига пастдан қарайдиган бўлсак, буруннинг пастки юзаси ёйилган ва яхши кўринадиган, олд ва ён юзалари эса перспектив қисқаришда бўлади.



23-расм.

Призма-бурун қурилиши тўртдан-уч бурилишда ёки профилда бўладиган бўлса, бурун призмасининг бизга қаратилган ён юзаси яхши кўринади, унинг қолган юзалари эса перспектив қисқаришда турганлигини кўрамиз. Шунинг учун энг аввало, тасвирда призма-буруннинг умумий шаклини тўғри белгилаб олиш, унинг ҳолати кенгликда чизиқли перспектива қонуниятларига кўра тўғри турганлигини аниқлаб олишимиз ва пропорционал нисбатларини текшириб олишимиз лозим. Шундан сўнг бизнинг схемамизга мувофиқ шакл структурасини очишни бошлаймиз. Энг аввало бурун олд юзасининг асосий қисмлари-қаннар, бугри ва бодомларининг жойлашини белгилаймиз. Шундан сўнг қаннардан кўз ёни қорачизигига ва бодомлардан бурун тешиклари учигача бўлган ён юзалар чуқурлигини, шунингдек буруннинг пастки майдон характерини аниқлаймиз.

Буруннинг олд юзаси расмига аниқлик кирита бориб тас-

вирини бир вақтнинг ўзида ўнг ва чап томонларда юритинг. Масалан, ўнг томондан қаншарни белгилаб олиб, дарҳол чап томонини ҳам белгилаб; бурун бугрисини ўнг томондан белгилаб, шу ернинг ўзида чап томонни ҳам; бодомлар шакли характери аниқлай туриб, ўнг ва чап қисмини бир вақтнинг ўзида тасвирлай бошлаймиз.

Агар расм чизувчида кўз билан чамалаш малакаси ривожланмаган бўлса, у ҳолда дастлаб қуришнинг ёрдамчи чизиқларидан фойдаланиши керак. Масалан, бурун призмасини белгилаб олиб кўз ёши қончилиги ва бурун қанотлари учини тўғри чизиқлар билан туташтириб; буруннинг юқори четини белгилаб дарҳол уни бошқа томондан ҳам тўғри чизиқ билан белгиланиши ва бу тўғри чизиқни бурун асоси чизигигача давом эттириши лозим (23-расм 1-2 босқичлар).

Бурун тешиқларини тасвирлашда тешиқлар қалинлигини (айниқса сояда қолган пастки юзани бўрттираётганингизда) белгиланиши ёдингиздан чиқарманг.

Тус беринда битта шаклдан иккинчи шаклга ўтишда эҳтиёт бўлинг, уларнинг чегараларини жуда қаттиқ бўяб юборманг (айниқса қаншар шаклидан бурун бугрисига, бугридан бодомларга ўтиш жойларни). Буруннинг пастки юзасини оча бориб бурун учи, бурун тешиқларининг ён чегаралари ва бурун тешиқларининг қалинлиги кўрсатилиши керак бўлган пастки юзаларга салгина тус бериб, юза чегаралири очин зарур. Пастки, ён ва олдинги юзаларга битта умумий тус бериш нотўғри. Ўзингизни текшириб қуришингиз учун қуйидаги усулдан фойдаланиш мумкин: сизнинг назарингизда расмдаги ҳамма шакллар яхши ифодаланган бўлса, расмни кафларингиз ёки бир бўлак қоғоз билан бекитинг, бунда фақат расмнинг кичкина бир фрагмент жойи очиқ қолсин. Энди шаклнинг уч ўлчамлиги лозим даражада ёрқин ифодаланганми ёки ҳаммаси бўялиб кетиб, ушбу шакл расми фақат контур чизиғида ўз ифодасини топганми- шунини текширинг; агар шундай бўлган бўлса, шаклни моделлашни ва ҳар бир юзанинг кенгликдаги йўналишини аниқлашни давом эттириш керак.

Тасвир қуриш услубий босқичида туслаш қонунларини тўғри ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган. Расмни призма шаклидаги бурунни енгилгина тус бериб тасвирлашдан бошлаймиз. Буруннинг олдинги (ёритилган) ва пастки (соядаги юзасини ён юзалардан (ярим соядаги) ажратаётганда тус нисбатлари расм чизилиши тугагунга қадар сақланиб қолишига эътибор бе-



24-расм.


ринг (23-расм, 3-босқич). Кўпчилик расм чизувчиларда бурун ва ярим сояда жойлашган бурун тешикларининг ён юзаларида худди буруннинг олдинги (ёритилган) бурун учидаги ёруғлик кучи қандай бўлса шундай кучга эга бўлиб қолади. Бурун учида баъзан шуъла (рефлекс) пайдо бўлади ва буруннинг энг кучли ёруғликдан сустроқ бўлади.

Шундан кейин ёруғликда ҳам, сояда ҳам шаклнинг шастик характеристикасини очишга киришин керак. Рефлексларни ён тўмон юзада жойлашган тусни кучайтириш ёрдамида тусланг (23-расм, 4-босқич).

Ушбу расмни бажараётиб нафақат ўқув материални ўзлаштириб олишга, балки ифодали расм чиқаришга, ганч материалда қоғозда аниқ акс эттиришга ҳаракат қилинг. 24-расмда бунга мисол келтирилган.

Тасвирнинг прищипи ва услубларини яхши ўзлаштириб олиш учун бошқа ҳайкаллардан турли ҳолатларда бир қатор расмларни бажаринг керак, бунда албатта бурун шакли қурилишининг алоҳида характерли хусусиятларини очишга ҳаракат қилинг.

Кўз. Кўз шакли қурилишининг қонуниятлари 25-расмда кўрсатилган. Энди кўз шакли қурилишининг асосий қонуният-



25-расм.

ларини таҳлил қилишни давом эттираемиз.

Биз аввал айтиб ўтган- миздек, кўз шарсимон шаклга эга бўлади ва кўз чуқурлигидан тўртдан бир қисми чиқиб туради. Биз учун оқсил парда билан қопланган кўз соққаси (25-расм, 1) нинг ташқи қисми ва рангдор парда билан қопланган кўз қорачиғининг бўртиб чиққан қисми, ҳамда юқори қовоқ шакли характерига таъсир қиладиган кўз таъхари муҳимдир.

Кўз олмасини қошлаб турган юқори қовоқнинг букилиши кўз қорачиғининг туртиб чиққанлигига боғлиқ, яъни юқори қовоқнинг энг букилган жойи қорачиғ жойлашган


жой бўлади: расмда у нигоҳ йўналишини кўрсатади. Довуд ҳайкали кўз памушасида кўз қорачиғи ва рангдор пардалар 26-расмда турли нуқталардан аниқ кўрсатиб берилган.

Лекин кўз шакли пластик характеристикасини (тавсифини) очиб бериш талаба учун анча қийин. Маълум бўлишича, кўзнинг катта ўлчамлари, қовоқ қалинлигининг кенг юзалари кўз соққасининг катта ҳажмини кўриш ва уни ифодалашга ҳаляқит беради. Юқориги ва пастки қовоқларга тус беришда расм чизувчилар, кенлиги ва пастки қовоқ юзасининг қалинлигига тус бериш фарқини илаб ололмайдилар. Натижада расм узукюлуқ, кўз шакли эса ифодасизроқ чиқиб қолади.

Расмни намунанинг умумий шаклини (қошлар ва кўз чуқурчасининг туртиб чиққан қисмларини) тасвирлашдан бошланг. Шундан сўнг кўз соққасининг туртиб чиққан қисмини белгилаб, кейингина уни қовоқлар билан ёпинг.

Дастлаб сизнинг намунангиз қутидан иборат бўлиб у шу қути деворчаларига тегиб туради, деб тасаввур қилинг. Устки юзаси қути қошқоғининг бутун юзасини, пастки юза эса ярим юзасини эгаллайди. Бинобарин, қош усти ёйларининг пастки четидан


асосигача бироз оғма ҳолда қўйилган. Кузатилаш тасаввурни перспектива бўйича аниқлаб олиш керак (27-расм, биринчи босқич). Шундан сўнг қош устки ёйлари ва қаншарнинг туртиб чиқувчи қисмларининг ўлчамларини шунингдек кўз соққасининг ичкарида жойлашган қисмини аниқланг. Шу ернинг ўзида қош устки ёйлари ва кўз кесмаларининг чизиғини белгилаб олиш керак. Бу кўз ёппи қопчилиги ва кўз бурчагини тўғри белгилашга ёрдам



26-расм.

беради. Ёрдамчи чизиқларга эътибор бермайдиганлар гарчи қовоқлар шаклини тўғри кўчириб чизиб олсаларда қовоқлар ўз жойида бўлмай қолади, улар перспективада кўпол хатоликка йўл қўйган бўладилар. Ёрдамчи чизиқлар ёрдамида тасвирни кўраётганингизда кўз соққаларини ва қорачиғини жойлаштиришингиз осон бўлади, кейин уларни қовоқлар билан қонлаш қийин эмас (27-расм, 2-босқич)


Кўз қорачиғи ўқининг йўналишини диққат билан кузатиш. Талабалар одатда тўғри доира белгилаб оладилар ва унинг ичига кўз қорачиғининг “юракчасини” чизадилар. Қорачиғ ва қовоқлар оғма ўқ бўйича жойлашади. Қорачиғининг юқори қовоғи ва юқори чети эса олдинга туртиб чиқади, пастки қовоқ ва пастки чети ичига кириб кетади. Буни доимо назарда тутиш керак (айниқса тирик натурадан чизаётганда). 27-расмда ишнинг сўнгги босқичи кўрсатилган.



27-расм.

Кўз қурилиши хусусиятларини яхши эслаб қолиш учун уни турли томонларидан чизиб кўриш лозим.


Аксарият расм чизувчилар кўз шаклининг шлатик характеристикасини туншунмаган ҳолда кўз соққасида қовоқларнинг перспектив жойлашишини илғаб ололмайдилар. Шу ўрнида мўлжал сифатида қовоқларнинг перспективада жойлашиши схемасини таклиф этиш мумкин. Агар кўз фронтал ҳолатда бўлса, у ҳолда қовоқлар ромб шаклида жойланади (28-расм); агар кўз тўртдан уч бурилиш ҳолатида ёки профилда бўлса, у ҳолда қовоқлар уч бурчак шаклида жойланади (28-расм). Кўгчилик бошпи тўртдан уч бурилиш ҳолатида, кўзларни эса ўзларига қаратиб чизадилар. Қовоқларнинг кўз соққасида жойлашиши перспектив ҳолатини кўрсатаётганда юқори қовоқ шаклининг кўз қорачигининг жойлашиш ҳолатига қараб ўзгаришини ҳисобга олиш зарур: одатда сояга қараб эътибор бериладиган юқори қовоқнинг пастки четини чизаётганда эҳтиёт бўлинг. Пастки қовоқларни енгилгина чизинг, қаламни қоғозга қаттиқ босманг-пастки қовоқ доим ёритилган



28-рaсm.




29-рaсm.



30-расм.

бўлади. Раём чизувчи юқори ва пастки қовоқларни бир хил тус кучида чизаётганида ҳам ва шакл ишончилигини йўқотади.

Ўқув материални мустаҳкамлаш учун биринчидан, эски қўлланмалардан олинган яхши намуналардан нусха кўчириш яхши. Масалан, 1844 йили А.Скино ўзининг “20 варақ қоғоздаги раём мактаби” қўлланмасида кўзнинг жуда яхши расмларини берган. Шунингдек Пукирев ва Саврасовлар қўлланмасида берилган Скинонинг расмлари ҳам жуда ифодали (29-расм). Улардан раём чизувчи ўзи учун кўпгина фойдали ва ибратли томонларни топади. Иккинчидан, кўз қурилиши хусусиятларини ўрганиш ва эслаб қолиш учун кўзгү ёрдамида ўз кўзингиз мисолида қатор расмлар чизиб фойдалидир, бинобарин бунда уни иложига борица ҳар хил ҳолат ва ҳар хил нуқталардан тасвирланган лю-



31-расм.

зим. Нуқтаи назарни ўзгартирганингизда, яъни томонларга, юқорига, пастга нигоҳ ташлаганингизда юқорги қовоқ шаклининг ҳолати ва ўзгаришини диққат билан кузатинг. Расмда кўзнинг эмоциопал ифодасини ҳам беришга ҳаракат қилинг (кулиб турилганда, важоҳат билан қаралганда ва ҳоказолар) ва бунда кўз қорачиғи ўзгаришини диққат билан кузатинг. Лаблар ҳам одам бошини тасвирлашда кузатиш ва ўрганишнинг доимий объекти ҳисобланади. Шунинг учун бўлажак рассом улар шаклининг қурилиш қонуниятларини ҳам, уларни юзада тасвирлаш қоидаларини ҳам яхшилиши керак.

Ўқ чизиғи (профил)га нисбатан юқори ва пастки лабларнинг ҳамма қисмлари симметрик жойлашган бўлади. Шунинг учун улар бир йўла тасвирланиши керак: юқори лаб устидати майдонча, юқори лаб баптиги, чуқурчалар лаб бурчаклари, пастки лабнинг иккита ярмининг ва даҳанга тушиб турган пастки лаб массаси. Тасвир қурилишининг бу схемасидан фойдаланиб, кўпчилик берилиб кетган ҳамда бу схемани қаламни қоғозга босган ҳолда қалип чизиқ билан чизадилар. Лаблар баптигини енгилгина, қаламни қоғозга бир озгина текшириб белгилаш керак. Чунки натурада ушбу чизиқлар ўрнида ёруғлик жойлашган, бинобарин, лаблар чети унинг энг шишиб турган қисми ҳисобланади (30-расмда лаблар чети шишлари стрелкалар билан кўрсатилган). Бошловчи рассом бунга амалиётда тушуниб, илғаб олишга фақат Довуд лабларининг ганч нусхасини чизишда билинади, бунда шакл пластикаси яққол “ўқилади”.

Лабларнинг шакли ва уларнинг жойлашиши типларнинг шакли, катта-кичиклигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар тишлар бир-бирига бир текис тегиб турса, лаблар ҳам шундай жойлашади, юқори ва пастки лаблар кенлиги эса деярли тўғри бўлади. Агар пастки жағ тишлар олдинга туртиб чиққан бўлса, пастки лаб ҳам олдинга чиқиброқ туради, лаблар кенлиги эса куйидегича ўзгаради: юқори лаб пастроқ (ингичкароқ), пастки лаб эса шишган ва қалин бўлади. Агар пастки жағ тишлари юқориги жағ тишлари тагига кириб кетса, у ҳолда юқорги лаб олдинга туртиб чиқади, пастки лаб эса орқага тортилади. 31-расмда (М.Герасимов бўйича) тишламнинг асосий турлари ва лабларнинг бир-бирига тегиш шакли кўрсатилган.

Тишларнинг бир текис тишламаси ва лабларнинг тегишли шакли кўпчилик кишиларга хосдир. Шунинг учун Давид лабла-

рининг ганч намуна-
сида диққат билан
таҳлил қилиш мум-
кин. (32-расм).


Лаб шаклларига
тус беришда ёруғлик-
дан ярим сояликка ва
ярим соядан сояга се-
кин-аста ўтишга хара-
кат қилинг. Шакллар
юзаларини бузиб
юборадиган қўпол
чизгилар қилманг.
Чизги шакл бўйлаб
тушиши керак. Шакл
юзаси ўнга бурилса

чизги (штрих) ҳам ўнга бурилади, юза чапга кетса чизги ҳам
чапга бурилади. Чунки томонабин расмдаги чизгилар йўнали-
шини кузатади, улар унга шакл пластикасини ўқишга, уқиб
олишга ёрдам беради.

Лабларни чизаётганингизда лаб бурчаклари олдидаги бу-
рун-лаб шакли пластикасини диққат билан кузатиб боринг. Лаб-
ларнинг юқориги ва пастки юзалари бурчакларга яқинлашини-
га қараб ичкарига тортилади, ёноқларнинг туртиб чиққан қис-
ми эса (бурун-лаб таҳнамаси) худди уларга ёшиб тургандек бўлади.
Кўпчилик талабаларда, аксинча, лаб стрелкалари олдинга чиқиб
кетади, улар нақшга айланиб қолади, шунинг учун юзнинг бу-
тун пастки қисм пластикаси бузилади.

Рефлексларни эҳтиёткорлик билан бажаринг. Талабалар
одатда рефлексларни жуда ёрқинлаштириб юборадилар. Бунинг
оқибатида шакл парчалана бошлайди ва унинг яхлитлиги йўқо-
лади. Рефлекс кучини текшириб кўриш учун қуйидаги усулдан
фойдаланинг: нагурага қараб, рефлексни кўриб туриб кўзларин-
гизни бироз юминг-агар рефлекс йўқола борса, у расмда ҳам
йўқолиши керак. Агар рефлекс жуда ёрқин бўлса, уни бироз
туслаш (пасайтириш) керак. Расмда шакл яхлитлигини кўриш
учун кўпроқ уни ўзингиздан узоқлаштиринг.

Ўқув материални ўзлаштира бориб, бир йўла чизаётган
расмингиз ифодали чиқаётганлигини ҳам кузатинг. Ана шу мақ-
садда классик қўлланма намуналаридан нусха кўчиринг, у ерда



32-расм.


нафақат шакл, балки материаллилик ҳам яхши берилган (33-расм). Нусха кўчириш қаламни бошқариш, графика воситалари ифодалилигини кўришга ёрдам беради. Шувингдек ушбу машқлар тус ва шакл ифодасини очишга кўмаклашади.

Лаблар шакли қурилиши қонуниятларини яхшироқ ўзлаштириб олиш учун тирик натурадан бир қатор расмлар чизиш зарур (бунда натура сифатида кўзгу олдидаги ўз қиёфангиз ҳам иш беради). Ўзингизни кўзгу ёрдамида чизаётганингизда расмда нафақат лабларнинг пластик характеристикасини, балки ўзингизнинг ҳаяжонли (эмоционал) ҳолатингизни ҳам ифодалашга ҳаракат қилинг. Лаблар жуда ифодали бўлади, инсон ўз лаблари билан руҳий ҳолатини ҳам намоён эта олади. Киши яхши, шўх кайфиятда лаб бурчаклариши кўтаради (яъни кулади); маънос ёки йиғлаётган пайтида у аксинча, лаб бурчакларини тушириб юборади. Сиз ўз лабларингизни турли эмоционал ҳолатларда ёритиб, юқори ва пастки лабларнинг четки шаклларининг характери қандай ўзгараётганлигини, лабларнинг туташини чизиғи расми қандай бўлишигини кузатинг. Инсоннинг турли руҳий ҳолатларида лаблар тасвири турлича бўлади (лаблар кўринишига алоҳида эътибор беринг).


Лаблар шаклининг ифодалилиги ва характери шунингдек лаб-



33-расм.



34-расм.



35-расм.

ларнинг қалинлигига ҳам боғлиқ (34-расм). Портрет характеристикасини очишда бушга диққат билан эътибор берилиш керак. Бир кишининг лаблари ингичка (юшқа), қаттиқ, чузилган (чучайган) бўлади. Бундай лаблар қатъий характерга (фёълга) эга кишиларга хосдир; бошқа кишининг лаблари қалин ва юмшоқ характерга эга бўлади.

Одамнинг қулоғи, гарчи ҳар турли кишиларда унинг шакли турлича бўлса-да, доимо битта структурага эгадир. Ҳар қандай кишида биз ташқи гажамани кўришимиз мумкин (35-расм, 1), ички гажамани қулоқ супрасининг ўртасида бўлади (35-расм, 2), настки қисми эса юмшоқ жой билан тугайди (35-расм, 3). Қулоқ супрасининг ички қисмини қарши гажамани қоплаган (35-расм, 4); қулоқ супрасининг ташқи томонидан эса букри қисми қоплаган (35-расм, 5). Қулоқ тасвирини қуришда қулоқ супрасининг бу ҳамма қисмлари рассом назарида бўлиши керак. Классик қўлланмаларда қулоқ расмини чизиш қоидаларига жиддий аҳамият берилган. Жадвалларда муаллифлар қулоқ шаклининг қонуниятлари ва тасвир қуриш услубиётини кўргазмалар тарзда кўрсатишга ҳаракат қилганлар (35-расм).

Довуд қулоғининг ганч памупаси расм чизувчи учун яхши қўлланма ҳисобланади, унда шакл структураси ва шластик ха-

рактистикаси ёрқин ифода этилган. Шунинг учун ҳам ана шу намунани ўрганиш ва ундан расм чизишни бошлаш керак.

Расм чизишни ҳар галдагидек умумий шаклни очиқдан бошлаймиз, шундан сўнг қулоқнинг таркибий қисмларини жойлаштириш ва шакл характериға аниқлик киритишға ўтамиз. Агар шакл тўғри белгиланган бўлса, энди унга тус беришға ўтиш мумкин.

Қулоқ расмини чизаётганда, ёритилиш, шаклнинг алоҳида жойларининг тус берилиш нисбатларига ўтишға алоҳида эътибор бериш лозим. Кўнчилик одатда, қулоқ супраси ичидаги шакл ҳаракатларини намён этмайди, гажама ва қарши гажама конфигурациясининг чизиқли расмиға кўпроқ аҳамият беради, тус бериш вазифаси эса ҳал қилинмай қолади. Натижада расм парчаланиб, узоқ-юлуқ бўлиб қолади.

Қулоқ супрасининг қурилиш хусусиятларини яхши ўрганиб олиш учун, қулоқ расмини ҳар хил томон ва вазиятларда чизиб кўриш лозим (20-расм). Қулоқ супрасининг учдан тўрт бурилишидаги кўпинча учрайдиган ҳолатига алоҳида эътибор бериш керак. Бу ўринда энг аввало қулоқ супраси тасвирининг асосини ташкил этадиган кенгликда эллипс кўринишдаги йўналишини тўғри белгилаб олиш зарур. Шундан сўнг гажама қалинлиги ва унинг супраси ичига кириб боришдаги ўзгаришини аниқлаш лозим. Қулоқнинг букри ва юмшоқ жойини тасвирлаш ҳам худди шундай. Кўнчилик уларни фронтал ҳолатда чизадилар, шунинг учун ҳам қулоқ супраси бузилган ҳолда чиқади.

Ҳар хил одамларда қулоқлар шакли қурилишининг характерли хусусиятларини илаб олишни ўрганиш керак, бунинг учун қуйидагиларға эътибор бериш керак: биричидан мунтазам равишда чизгилар ва хомаки лавҳалар чизиш; иккинчидан, ҳар хил одамларда (метро, автобусларда) қулоқлар шакли характериғи диққат билан кузатиш ва юмшоқ жойи, гажама букриларининг шакли қандайлигига эътибор қаратиш, умуман қулоқ қандай жойлашганлигига қизиқиш (шалпанг қулоқ, ёшишган қулоқ ва ҳоказолар).

Бош деталларини (бурун, кўзлар, қулоқ ва лаблар) тасвирларининг хусусият ва қонуниятларини ўрганишда ганч намуналарини чизиш билан бир қаторда тирик намунадан бош деталлари бўлақларини расмини чизиш жуда фойдалидир. Бинобарин, тирик натурадан ва ганч намунадан бош деталларини чизаётганда расмда асосий қонуниятлар қандай уйғунлашаётганлигини кузатиш. Масалан, кўз расмини чизар эканмиз, юқори



36-расм.

қовоқлар кўз соққасини қандай қонлаганлиги, қовоқ қалинлиги кўзнинг перспективадаги ҳолатига қараб қандай ўзгараётганлигига эътибор беринг. Лаблар расмини чизаётганингизда лабнинг ташқи чети ҳақиқатдан ҳам бизганч намунасида кўрганимиздек, олдинга туртиб чиққанлигини текширинг.

Таълимнинг ушбу босқичида яхши намуналардан нусха кўчириш фойдалидир, чунки бунда шакл қурилиши қонунийатларини яна бир бор кўриш, шунингдек унинг материаллилик хусусиятларини ҳам очиб беришни ўрганиш мумкин. Масалан, А.Скино ўз расм-

ларида юз териси ва сочлар фактурасини яхши очиб берган (36-расм). Бош деталларини ўрганишда натурани ва қисқа хомаки расмлар ва чизгиларни давомли таҳлил қилишни қўшиб олиб бориш зарур. Чизгилар шакл қурилиши билан боғлиқ ўқув-таҳлилий характерда ва инсоннинг эмоционал ҳолатини очиш характерида ҳам бўлиши мумкин. Чизгиларнинг охириги кўрилишини кўзгү ёрдамида ўзингизни чизиб ҳам бажариш мумкин. Бу ўринда бугун бир фрагментларни ҳам (бурун, лаблар, даҳан; пешона, кўзлар, лаблар) тасвирлаш мумкин. Классик қўлланмаларда бошнинг алоҳида деталларини чизиб бўлгандан сўнг уларнинг ўзаро боғлиқлигини (бурун, лаблар, даҳан; қулоқни бошнинг унга тугашган қисмлари билан) чизиш таклиф этилган. Бундай чизиб, деталларнинг ўзаро боғланишини кузатиш, уларнинг умумийлигини аниқлашга ёрдам беради. Кейинги боб ёрқин портрет характеристикасига эга бўлган бош расмини чизиб хусусиятларига бағишланган.

IV-БОБ. ТИРИК ОДАМ БОШИ РАСМИНИ ЧИЗИШ

Талаба ганч бўлақлар расмини чизишдан тирик одам боши расмини чизишга ўтар экан, ўз ишида жуда кўп қийинчилик ва мураккабликларга дуч келади. Бу қийинчилик ва мураккабликлар шундан иборатки, талаба аввал чизган ганч модели доимий, муқим ҳолатда турган; бошнинг ёруғлик билан ёритилиши, соя, ярим соя ва тушаётган соя ва тус бериш кучи расм чизишнинг ҳамма сеанслари давомида ўзгармай турган. Тирик бош эса ҳар доим ҳаракатда бўлади; Натурачи озгина бўлса ҳам қимирлаб кетса, соя ва ярим соялар характери ўзгаради. Ундан ташқари тирик бош тасвири билан ганч бошни тасвирлашни таққослашдаги асосий мураккаблик шундан иборатки, бу ўринда расм чизувчи кўп нарсани ўзи мустақил равишда ҳал қилишга, ўз илроқи ва ижодий қобилиятини доимо фаоллаштиришга мажбур бўлади. Ганч намуналарда талаба шаклни умумий кўрган, ушбу ҳайкал намунаси яратган буюк уста барча фавқулотдагиларни, моҳиятсизликларни четта чиқариб ташлаган ва эътиборини асосий нарсага қаратган. Тирик бош расмини чизишда расм чизувчи энди буларни ўзи амалга ошириши-асосий нарсани иккинчи даражалидан ажрата билиши керак бўлади.

Тирик бош шаклини ганч шаклига нисбатан расмини чизишдаги мураккаблик шунингдек, шаклга тус беришда ҳам туғилади. Ганч бош материалнинг тус ва фактураси ҳам бир хилда бўлган, фақат ёрқин ва бўғиқ жойлардаги тус кучи ўртасидаги фарқ шаклнинг у ёки бу юзаси қаңдай ёритилганлигига боғлиқдир. Тирик натурадан расм чизишда шаклга тус бериш яна шу билан мураккаблашадикки, натурада турган кишининг юзи, сочлари, кўзлари, ёноқ ва лаблари ҳар хил тусда бўлади. Ёноқлар, лабларнинг қизғиш туслари тўғи бир хил ёритилишда турса ҳам сал бўғиқроқ туюлади. Тирик бош шакл юзасининг турли раңг-да бўлиши шаклнинг ўзини кўра билишни қийинлаштиради, расм чизувчини у шаклни тасвирлаш ўрнига ёрқин ва бўғиқ раңг доғларини кўриш ва ундан нусха кўчириш, баъзан эса натурада йўқ нарсаларни ҳам ўйлаб топишга мажбур қилиб қўяди.

XVIII-XIX асрларнинг классик бадиий академия таълим тизимида одамнинг тирик бошини чизишга махсус ўргатиш борасида лозим даражада эътибор берилмаган. Ганч бошлар расмини чизишдан ганч ҳайкаллар расмини, улардан сўнг эса яланғоч

тирик одам қоматини чизишга ўтилган. Унда рассомнинг ганч бошларни чизишда олган билим ва малакалари тирик бош ва портрет чизиш учун етарли, деб ҳисобланган.

Бадиий таълим соҳасидаги бизнинг тизим ганч бошлар расмини чизиш бош шакли қурилишининг ҳамма қонуниятлари ва хусусиятларини тўлиқ ўрганишни тақозо этади. Чунки, тирик бошнинг пластик характеристикаси нафақат асосий мушак ва бош суякларининг, балки юзнинг мимик мушаклари ҳаракати ва кўздан янгириб бўлган калла суяги қурилишининг бошқа хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Талабалар ганч моделлар расмини чизганларида фақат унинг дастлабки асосларинигина ўзлаштирадилар ва одам бош шакли қурилиши қонуниятларининг озгинагина қисмини ўзлаштирсалар тирик бош шаклини тасвирлаш учун яна бир қатор қонуниятларни ўзлаштиришлари зарур.

Рассом бош шакли қурилиши қонуниятларининг илмий билимларига эга бўлмай туриб, сўзсиз натуранинг пассив нусха кўчирувчиси бўлиб қолади, натура унинг бутун диққат-эътиборини жалб қилади, унинг таъқиқ қиёфасидан назарини олиб қочишга қўрқади ва ушбу натура қурилишининг қонуниятларини идрок этолмайди, бинобарин улардан ўз ижодий ишида фойдалана олмайди ҳам. Ҳақиқий ижод эркинлигига эришиш учун рассом илмий билимлар билан қуролланиши зарур ва ушбу билимлар ёрдамида бошнинг ҳар бир чуқурчаси ва бўртиб чиққан жойлари нимага асосланганлигини билиши лозим.

Ўзининг ифодалилиги, табиат қонунларига асосланганлиги билан ҳанузгача ҳаммани лол қолдираётган уйғониш даври рассомлари юксак илмий билимларга эга эдилар ва бу билимларга алоҳида аҳамият берардилар. Ранг тасвир ҳақидаги ўзининг асарида А.Дюрер шундай ёзган эди: “Агар сенда ҳақиқий асос бўлмаса, сенинг қўлинг қандай эркинликка эришгани билан барибир ҳеч қандай яхши нарса қилишга эришолмайсан. Шунингдек, сен ҳақиқий билим туфайли анча дадил ва ҳар бир ишда такомиллашганроқ бўласан”¹.

Рассом тирик бош шаклини чизиш ишида олдида турган бир қатор куйидаги учта вазифани бир йўла ҳал қилиши керак: 1) Ҳажмли бош шаклининг ишончли чиқишлигига эришиш. 2) Расмда калла суяги ва мушаклар мутаносиблиги. 3) Ушбу инсоннинг портрет характеристикасининг индивидуал хусусиятларини очиш.

¹ Дюрер А. Дневники, письма, трактаты. 19-бет.


Бу вазифаларнинг ҳаммасини муваффақият билан ҳал қилиш учун рассом шакл қурилишининг индувиудал хусусиятларини у ёки бу деталнинг жойлашишини чуқур сезини, олдиндан эса унинг қонуниятларини яхши билиши керак. Шунинг учун тирик бош расмини чизишга киришишдан олдин калла суяги ва унинг мушакли қошланганини қуриш хусусиятларини асословчи анатомия ва бошқа фанлар қонуниятларининг илмий қоидаларига қайтамиз.

Биз ўқув расмининг илмий асослари, деганимизда энг аввало, ҳар бир расм чизувчидан талаб қилинадиган илмий қоидаларнинг бажарилишини назарда тутамиз. Масалан, биз талабани расм чизишга ўргатар эканмиз, уларни перспектива қоидалари ва қонуниятларига аниқ риоя қилишга мажбур этамиз. Одам бошининг анатомик қурилишини таҳлил қила бориб, тасвирда инсон бошининг структурасига ва мушакларнинг жойлашиш қонуниятларига риоя қилиш талаб этилади. Расм чизиш усули индувиудал тарзда бўлиши мумкин, лекин мушаклар, суяклар, пайларнинг жойлашиш қонуниятларини тўғри, бир хилда очиш керакки, булар энди тасвирий санъатнинг илмий қоидаларидир. Тус бериш, пропорциялар, шаклнинг конструктив асослари ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин.

Юқорида ўқув академик расмининг илмий асослари ҳақида кўп гапирилди. Ушбу мавзу бундан кейин ҳам давом эттирилади, чунки академик расм моҳияти ҳам шундадир-ушбу тизимда таълим олаётган ўқувчилар, илмий билимлар билан мунтазам бойиб борадилар, таълим услуби эса жиддий илмий йўналишда кечади. Ўтмишда турли академияларнинг гуллаб-яппаш даврида ушбу таомилга қатъий риоя қилинган.

Мазкур қўлланмада биз ушбу сўзнинг кенг маъносида академик йўналиш йўлидан борамиз, шунинг учун ҳам биз “ўқув расми” эмас, балки “академик расм” атамасини кўпроқ қўлаймиз. Ўқув расми модернистларда ҳам бор, улар ҳам энди бошловчи рассомларни ўз санъатига ўқитадилар ва уларни шунга тайёрлайдилар. “Ўқув расм” тунунчасига санъатга бўлган ҳар қандай тенденция ва қарашлар кириши мумкин. “Академик расм” деганимизда биз реалистик санъат принциплари ва услубларини назарда тутамизки, унда ҳар бир вазифа илмий-назарий асосга бўлади, таълим эса маълум тизимга бўйсунди.

Академик таълим тизимига асосан Ғарбий Европа, рус ва ўзбек миллий реалистик санъатнинг энг яхши анъаналарига,



37-расм.

принциплари бўйича бош тасвирини қуриш жараёни ҳатто ўқув пайтида ҳам ижодий жараён ҳисоблашгани учун ҳам у кейинчалик ёш рассомга ишлашнинг ўз шахсий усулларини топиш имконини беради, лекин бунга шоммаслик лозим. Дастлаб бош шаклининг конструктив-анатомик тузилишини мукамал ўрганиб чиқиш, яъни одам боши анатомиясини ўрганиш керак.

Талаба пластик анатомияни ўрганар экан, шаклнинг ташқи томонини кузатиш билан чекланиб қолмайди. У шунингдек, мулоҳаза билан фикр юритаётган анатом олим каби шакл ичига кириб бориши, инсон танаси қурилишининг қонуниятларини тушуниб етишга ҳаракат қилиши лозим. У ўз кузатишларидан хулоса ва умумлашмалар чиқарини, баъзи мушак шаклларининг кўринишидаги ўзгаришлар қойдалари ва меъёрларини белгилайди. Инсонни бундай чуқур илмий ўрганишда Леонардо да Винчи, Микеланджело, Лосенко, Шебуев ва бошқаларнинг расмларини

ҳозирги замон педагогика ва психологиясининг илмий жиҳатларига асосланади. Академик таълим ёш рассом олдида борлиқ ҳодисаларнинг гузаллик ва бетакрорлигини намоён этишдаги моддий борлиқнинг объектив қонуналарини очади. Буларнинг ҳаммаси табиатнинг энг гузал маҳсули инсон қиёфаси, хусусан одам бошини тасвирлашга ҳам бевосита алоқадордир.

Табиийки, дастлаб ўқитувчи одам боши шакли қурилиши схемасини тушуниши ва ослаб қолиши, уларни амалиётда қўллашни ўрганиб олиши керак. Таклиф қилинадиган схемалар ва шаклни таҳлил қилиш

мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Леонардо да Винчи расмида биз нафақат ташқи мушакларнинг ажойиб билимини, балки чуқур ётган пайлар, кемирчак (тоғай) ларни ҳам кўрамиз (37-расм). Ўтмишнинг буюк усталари инсон танасининг ва бош тузилишининг анатомик қурилишини диққат билан ўрганганлар ва суяклар, мушаклар, пайларнинг, жумладан, ангиологиянинг (қон томирларининг жойлашини ўрганувчи фан) асосий хусусиятларини ослаб қолганлар. Бу билимлар рассомларни бойитган ва уларни касб маҳорати чўққиларига етаклаган.


Бу юқорида айтиб ўтилган фикрларнинг ҳаммаси натурадаги расм чизишдаги чуқур илмий билимларни талаб этилишиндан далолатдир. Талаба натураи ўргана бориб, жиддий илмий маълумотларга таяниб, унинг қурилиш қонуниятларини идрок қилган ҳолда суяк ва мушаклар қурилишининг умумий уйғунлашувини тушуна бошлайди.

§-1. КАЛЛА СУЯГИ СЎНГАКЛАРИ

Биз одам боши шаклига бағишланган қўлланмада яна калла суяги сўнтакларини таҳлил қилишдан бошлаймизки, тирик бошни тасвирлашда буларни билиш жуда муҳимдир. Калла суяги сўнтакларини таҳлил қилишда чакка суяги, жағ суяги шаклларининг характериға, жағ суяги ўсимтасига, пастки жағ ва энса (гардан)ларға алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, катта энса чуқурчаси ва эллипсоид шаклдаги иккита бўртиб чиққан қисмиға (улар ёрдамида гардан суяги атлант, бўйин суягининг юқори умуртқаси билан туташади) эътибор қаратиш керак. Бу суякларнинг ҳаммаси калла суягининг умумий характери қаби ҳар хил томопдан ўрганилиши керак. Рассом учун энг асосийси эса, бу ўрганишларнинг ҳаммаси қўлда қалам ва қоғоз тутган ҳолда ўтиши лозим. Шунинг учун олий ўқув юртларида тирик бош расмини чизишда биринчи топшириқ калла суягини уч бурилишда (38-расм) чизиш вазифаси топширилади.

Шундай қилиб калла суягини чизишда шу нарсани эса сақлаб қолиш керакки, калла суяги икки қисмдан-калла суяги кугиси (энса, гардан томон) ва олд қисмлардан иборат бўлади, улар турли шакл ва ўлчамли жуда кўп сўнтаклардан ташкил топган.

Калла суяги кугиси олгита суякдан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро тишсимон чоклар билан бириктирилган (энса, орқа), пешона (олд), иккита томон тепа суяги ва иккита чакка (ён) суяклар).



38-расм.

Олд қисми иккита кўз косаси (чаноғи), ноксимон шаклдаги буруп косаси, кўз косасининг остидан жағ суяги (жағ суяги ўсимтаси билан), устидан қош усти ва чакка суяклари қопланган. Буруп косаси (чуқурчаси) дан юқориги жағ суяги, настан эса калла суягининг олд қисмига иккита симметрик бўлақлар-унг ва чап бўлақлардан иборат настки жағ туташади.

Бу суяқлар шаклининг характери ва уларнинг қурилиш хусусиятларига ва умуман бош шаклининг ха-

рактеристикасига боғлиқдир. Шунинг учун натурадан калла суягини чизар экансиз, ҳар бир суяқнинг умумий шаклини эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Чунки улар ҳар бир кишининг тирик бошини тасвирлаётганингизда зарур бўлади.

Жағ суяги ва жағ суяги ўсимтаси шаклининг характери эслаб қолар экансиз, тирик бош расмини чизингда ёноқлар шаклининг тўғри моделланишига ва шу жойнинг ўзида қулоқ супрасини тасвирлашда сизга ёрдам беришлигини назарда тутиш керак. Жағ суяги ўсимтасининг катталиги тахминан тўрт энли келади ва жағ суяги ўсимтасининг учи доимо қулоқ супраси ва (букри) ўртасига жойлашган бўлади. Буни ҳар ким ўзида текшириб кўриши мумкин. Жағ суяги ўсимтасини ушлаб кўриб, ҳамма ҳам у қулоқ супраси ўртасига кириб боришлигини ўсимтани пайпаслаётган бармоқ эса (букрига) тақалаётганлигига

ишонч ҳосил қилиши мумкин (39-расм). Бу нарсани билмай туриб уқувчи одатда қулоқни ё ёноқда, ё энсада акс эттириб кўяди.


Энса (гардан) суягининг сўргичсимон ўсимтаси ҳар қапдай, кишида яхши кўринади, у боғини елка суяги билан турувчи кўкрак-ўмров мушакларининг бириктирувчисидир. Сўргичсимон ўсимталарининг жойлашишига мушаклар шаклининг характери ва умуман бўйин характери боғлиқдир.

Асоси тақасимон шаклга эга бўлган пастки жағ ўз шоҳчалари билан ёноқ ўсимтасига кириб боради ва ёноқлар устида ўзига хос характердаги чуқурча ҳосил қилади.


Калла суяги қутисининг чакка олди юзалари ҳам ичкарига, ёноқ суяги ўсимтаси ичига тортган бўлади, буни тирик бош расмини тасвирларида ҳисобга олиш керак.

Пешона суяги учта катта юзалардан ташкил топган бўлади: биттаси-пешона бугрилари билан пешона ўртаси ва пешона бугриларида чакка суякларга тортган иккита ён. Вертикалига кўра пешона суяги икки қисмга ажрайди: юқори қисми-пешона бугрилари, пастки-қош усти чизиқлари.

Калла суяги қурилишининг умумий қонуниятларини ўрганиб олиб, унинг ёшига кўра ўзгаришларини ҳам ҳисобга олиш мурур. Калла суягининг ёшига кўра ўзгаришларини бешта даврга ажратиш мумкин: биринчиси-туғилишдан етти ёшгача; иккинчиси-етти ёшдан жинсий етуклик ёшигача (16 ёш); учинчиси-ун етти ёшдан 30 ёшгача (тулик ўсиш ва ривожланиш ёшигача); тўртинчиси-30 ёшдан 60 ёшгача ва бешинчиси-60 ёшдан катта ёшгача. Ёш гўдақларда калла қутисининг мия қисми олд қисмига қараганда анча катта бўлади. Иккинчи даврда суякларнинг ўсиш жараёни секинлашади ва олд ҳамда гардан суякларининг улчамлари ўртасидаги фарқ унча бўлмайди. Учинчи даврда пешона суяги тез ривожланади, калла суягининг мия қисми кенгайди ва юқорига



39-расм.



40-расм.


қараб ўсади. Олд қисми узунлашади, ёноқ суяғи ёйлари кескин ёзила бошлайди. Калла суяғи узил-кесил, яъни катта кишиларга хос равишда шаклланади. Тўртинчи даврда суяклар ўсшдан тўхгайди ва ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Бешинчи даврда олд қисми ўзгара бошлайди, яъни кичраяди, типлар тўкила бошлайди. Бунинг натижасида пастки жағ кўтарилади, даҳан кескин олд томонга туртиб чиқади; юз қисқаради; Калла суяғининг чоклари қотади (40-расм).

Тажрибали рассомлар бу хусусиятларини ҳисобга оладилар ва уларни расмда ишонч билан акс эттирадилар.

Масалан, бола бошининг тасвирларини берувчи машҳур Рубенс расмида (41-расм) бола бош суяғининг ўзига хос қурилишини кўрамиз: калла суяғи кўтисининг катта юқори қисми кичик олд қисмига нисбатан фарқи сезилади. Ана шу муносабат билан Рубенс ўз ўтмишдошлари каби санъатни аниқ фанларга қийслаб илмий идрок этиш усулига амал қилган ва одам боши жумладан, гўдак бошининг доимий шаклланиш қонунини илмий-назарий жиҳатдан асослашга ва тасвирлашнинг ўзига хос услубини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган (42-расм). Ушбу мисол яна бир карра шунини тасдиқламоқдаки, реалистик йўналишда расм



41-расм.



42-расм.

чизувчи учун ҳақиқий илмий билимлар жуда зарур. Унинг бу ҳаракати санъат қоида ва қонунларнинг кераги йўқ, улар ижодий имкониятларни тор доирага солиб чеклаб қўяди, деган фикрдаги кишиларга жавоб бўлади. Табиат ва санъат қонуниятларини билмай туриб формалист рассом одам тасвирини реал борлиққа мувофиқ тасвирлай олмайди.



43-расм.

43-расмдаги хомаки тасвирда унга хос юз тузилишига эга бўлган ўсмир тасвирланган. Бу ўринда биз калла суяги қутиси (мия қисми) олд суякка нисбатан унча катталигича турганлигини кўрамиз. Пешона суягидаги пешона бугрилари ҳали ривожланиб етганича йўқ. Ёноқ суяклари (ёноқ ўсимталари) ҳали тўла шаклланмаган, пастки жағ ҳам шундай.

Ўрта ёшда пешона суяги кучли ривожланади, олд қисми узулланади ёноқ суяклари ёйлари кескин ёзила бошлайди. Инсон кексайганда тишлари тўкилиб кетиши муносабати билан даҳан кескин олдинга туртиб чиқади, олди қисми кичраяди (40-расм).

Одамнинг тирик бошини тасвирлашда калла суяги қурилиши ҳақидаги билимлардан ташқари рассом бошининг елка кенлиги билан туташинг қонуниятларини ҳам билиши керак. Калла суяги қутиси елка кенлиги билан етгита бўйин умуртқалари ёрдамида туташади. Бу умуртқалар бирининг устига бири жойлашган бўлади, лекин улар орасида букилувчан тоғайлар бўладики, бир томондан уларни бирлаштириб турса, иккинчи томондан уларнинг ҳаракатланишига имкон туғдиради. Биринчи умуртқа юқорида бўлиб унда калла ўрнашган бўлади ва атланг деб номланади (осмону фалакни тутиб турган афсонавий девқомат Атлантга ўхшатиш ўртасида юмалоқ тешик бўлиб гардан (эвса) суяги бўғинли ўсимталари билан бирикади. Бош ҳаракатга келганда атлант фақат бош орқага ва олдинга эгилгандагина ишгирик этади. Иккинчи бўйин умуртқаси эпистропей (ўқ) аталади. Унинг юқориги ўсимтаси тиш кўринишида вертикал равишда юқорига қўтарилади ва атланг тешигига кириб боради ҳамда унда ўқ (ўзақ) ролини ўйнайди. Унинг атрофида эса бош ўнг ва чап томонга

ҳаракат қилади. Еттинчи бўйин умуртқаси биз учун унинг туртиб чиққан қисми яхши кўриниши ва одамнинг белдан юқори ва қоматни чизишда мўлжал бўлиб хизмат қилиши учун ҳам муҳимдир. Кейинчалик сиз ялағоч одам қоматини чизиш машқларида еттинчи бўйин умуртқаси ва бўйинтириқ чуқурчаси сизга одамнинг тик турган қомати мувозанатининг ўқини аниқлашнингизда доимо мўлжал бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда қуйидагиларни эслаб қолиш керакки, еттинчи бўйин умуртқаси елканнинг юқори четидан ўтувчи горизонтал чизиқда жойлашади. Бу қонуниятни билиш бўйин расмини тўғри чизиш ва бошни елка кенглиги билан уйғунлаштиришга ёрдам беради.

§-2. БОШ МУШАКЛАРИ

Бош мушаклари асосан калла суягининг олд қисмида жойланади, улар калла суяги сўпақларини қоплаб туради ва юз шакли, умуман бугун бош характерини белгилайди. 44-расмда юзнинг асосий мушаклари ва уларнинг характерли шакли кўрсатилган.

Пешона мушаги ўзининг пастки учлари билан қош ости терисига ёпишган бўлиб, у қисқаришда қошларни кўтаради. Пешона мушакларининг толалари қанчалик кўп қисқарса, қошлар шунчалик кўтарилади, шу билан бирга пешонада чуқурроқ ва рельефли ажинлар пайдо бўлади. Қошлар кўтарилганда қовоқ ҳам кўтарилади ва кўз каттароқ очилади.



44-расм.

Кўз мушаклари қисқарганда қовоқларни ёшиб қўяди. Кўз мушакларига қошларни суриб турувчи мушакни ҳам киритиш керак, бу мушак ўз навбатида қисқарганда қошларнинг ички учларини пастга туширади.

Буруннинг пирадимасимон мушаги қошлар ўртасига жойлашган бўлиб, улар бурун суяги устига ва қош-

лар оралиғидаги терига ёпишган бўлади.

Қош мушаклари кўзнинг айланма мушаги устига, бир учи эса пешона суяги, иккинчи учи қош терисига ёпишган бўлади.

Чайнаш мушаги ёноқ суяги, ёноқ суяги ўсимтаси ва жағнинг пастки қисмига ёпишади. Чайнаш мушаклари одам юзида яхши кўрилади ва уларнинг бош шакли характериға таъсири каттадир.

Кичик ёноқ суяги мушаги бурун-лаб бурушиғига ёпишган бўлади ва уни ҳамда юқори лабни кўтаради.

Юқори лабни кўтарадиган мушак юқоридан кўз косаси четига, пастдан эса бурун қаноти ва юқори лабға ёпишган бўлади.

Бурун мушаги икки тутамға: - кўндаланг ва қанотли тутамларға ажралади. Кўндаланг тутам юқори лаб мушаги остига, қанотлиси эса жағнинг юқориги қозиқ тиши тепаси ва бурун тешиги ўртасида жойлашади.

Оғизнинг айлана мушаги оғиз тешигини қоплаб туради, лаблар қалинлиғига асос бўлади. Оғизнинг айлана мушаги икки қисмға ажрайди: ташқи ва ички. Ички қисм қисқарганда оғиз бурчаклари узаро яқинлашади ва лабларға юмалоқ шакл беради; Ташқи мушак қисқарганда лаб қисмлари оғзини маҳкам ёлади. Оғизнинг айлана мушаклари акс ҳаракат қилганда эса юқори лаб ва бурун қанотлари кўтарилади, пастки лаб ва бурчаклари пастга тушади.

Лабнинг уч бурчакли мушаги даҳаннинг оғиз бурчакларидан пастроқда ён томонларига жойлашган бўлади. У ўзининг кенг асоси билан пастки жағнинг қуйи четига, устки учи билан эса оғиз бурчаклари юқори лаб терисига ёпишади.

Пастки лабнинг квадрат мушаги пастки жағ суяги ва бўйиннинг теша ости мушагидан бошланади ва пастки лаб терисига ёпишган бўлади.

Кўкрак ўмров мушаги гардан суягининг сўрғичсимон ўсимтасидан бошланадиган бошни елка билан бириктиради, у бир тутам билан кўкрак суягига, бошқа тутам билан эса ўмровға ёпишган бўлади, шунинг учун ҳам у ана шундай аталади. Мушак қисқараётганда бошни олд томонға энгаштиради ва бошни ҳар томонна буради. Агар ҳар икки мушак бир вақтнинг ўзида қисқарадиган бўлса, бош юқори ва орқаға кўтарилади. Кўкракнинг юқори қисмида туташган кўкрак-ўмров мушаклари бўйида ўзига хос чуқурча ҳосил қилади. Тирик бош расмини чизаётганда у доимо ҳисобға олинади, ва у кўпинча мўлжал бўлиб туради. Масалан, бошни бўйин ва елка кенлиғи билан туташтириш, яъни


бошни елкага тўғри жойлаштириш керак бўлса, буйиптириқ чуқурчаси асосий мулжал бўлади. Елка камари - инсон танасининг энг ҳаракатчан қисмидир; у тирик натурада яхши кўрилади ва асосий ўрганиш объекти ҳисобланади (45-расм).

Аввал кўрсатиб ўтганимиздек, анатомия бўйича ўқув материални ўзлаштириш ва мустаҳкамлашда ганч Экорше намунасидан фойдаланиш мумкин (46-расм).

Бу ўринда ҳар бир мушакнинг шастик хусусиятини эслаб қолиш муҳим. Шунинг учун ҳам рассомлар бугун анатомияни эмас, балки айнап шастик анатомияни ўрганадилар. Рассом учун нафақат мушакнинг умумий кўринишини, балки мушакларнинг суякларга бошланғич ва охириги ёпилишларини, энг асосийси эса-мушак толаларининг йўналиши (жойлашиши) ни ҳам билиш жуда муҳимдир. Чунки тасвирда шаклга тус беришда рассом қалами апапу мушаклар йўналиши бўйича ҳаракатланиши лозим, бу эса рассомга ишончли реалистик образ яратишга ёрдам беради.

Дастлабки пайтларда ўқув материални мустаҳкамлаш ва уни амалда ижодий-фаол равишда қўллаш маълум дастурий амални талаб этар экан, тирик бош расми устида ишланнинг услубий босқичма-босқичда кўриб чиқамиз.

Ишнинг услубий босқичи аслида ганч бош расмини чиқишда қандай бўлса, шундайлигича қолади. Шу ўринда биз ўқув-



45-расм.

чининг диққат-эътиборини тирик бош расмини чизишнинг алоҳида муҳим томонларига қаратмоқчимиз.

Биз олдин айтиб ўтганимиздек, тасвир тутиш жараёнини алоҳида босқичларга бўлиб чиқиб шартли бир ҳолдир. У ёш рассомга фақат ўқув материални яхшироқ ўзлаштириб олиш учун зарур. Қўйида биз тирик бош расмини чизишнинг тўртта босқичини кўриб чиқамиз:

1) тасвирнинг композицион жойлашиши, бош шаклининг умумий характерини, шунингдек қисмлар ва умумий шаклининг пропорционал нисбатларини белгилаб олиш;


2) бош шаклининг анатомик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини очиб борган ҳолда чизиқли-конструктив тасвирлаш;

3) тус муносабатларида хал этиш орқали шаклни деталли чизиб чиқиш;


4) материаллилик хусусиятини очиб бериш ва ишга яқин исаш-умумлаштириш. Буларнинг ҳаммасини эркак кишининг бошини елка камари билан тасвирлаш мисолида кўриб чиқамиз.

Биринчи босқич (47-расм) - Қоғозда юзасида тасвирнинг композицион жойланиши, бош шаклининг умумий характерини ва пропорцияларини белгилаш.

Босқичли расм чизишга киришишдан олдин натурани ҳар тарафидан кўриб чиқиш ва мазкур бошнинг характерли хусусиятларини белгилаб олиш, энг қизиқарли нуқтани танлаб олиш ва ушбу нуқтадан расм қандай кўриниш касб этишини тасаввур қилиб олиш зарур. Бунинг учун турли нуқталардан туриб бир



46-расм.



47-расм.

қатор композицион қаламчиғилар бажарин, улардан энг ёқиб қолган жойни танлаш лозим. Бу нарса шунинг учун қилинадики, расм ишлаш жараёнида сиз бирданига танлаган жойингиздан "совиб" қолишингиз мумкин.

Талабалар одатда қиёфачининг ифодали туришининг узиданоқ илҳомланиб кетадилар ва дарҳол композицион вазифа ҳал этилди ва энди уни фақат механик тарзда, кўз қандай кўраётган бўлса, шундайлигича қоғозга тушуриш қолди, деб ҳисоблайдилар. Лекин натура аслида образли, жуда ёрқин ва ифодали бўлиши билан бирга тасвирда ушбу нуқтаи назардан унинг кўрипиши етарли даражада ишончли чиқмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам рассом учун асосий масса, бош силуэти ва чизиқ-

лар ифодаси, ёритилиш самараси ҳамда юз тузилиши, соч ва кўзлар гўзалигини кўриш ва ҳис қила билиш жуда муҳимдир. Ушбу моделдан композицион чизгилар чизишда талаба аввало энг ифодали кўринишни танлаб олиши керак. Қулай нуқта танлаб олингандан кейин расм чизишга киришамиз.

Аввало, қаламни қоғоз устида енгилгина, босмасдан ҳаракатлантириб моделнинг композицион тузилишини ҳал қила бориб, бошнинг умумий шаклини белгилаб оламиз. Композицион ечим устида ишлаб туриб, бир йўла бошни схематик тарзда белгилаб олинади. Бу перспектив қўнуларини тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Тасвирни қоғоз устида жойлаштириб бўлингандан сўнг бош шакли характерни, бошнинг бурилишини (ҳолатини), унинг бўйин ва елка кенлиги билан боғланишини аниқлаб оламиз.


Геометрик шакллар, жумладан кубни тасвирлашда бўлгани каби, бош расмини чизишда ҳам унинг, катта шаклининг конструктив асосини очишдан бошланг керак.

Бошнинг олд қисмини ён қисмлардан чизиқлар билан белгилаб олганимиздан сўнг унга профиль чизиги қўйинг ва натурага қараб унинг йўналишини текшириб олинг. Шундан сўнг олд қисмдаги бурун, лаб, кўзлар жойлашган ўринларини аниқлаймиз. Профиль чизиги ёрдамида биз алоҳида қисмлар, яхлитлик ҳамда умумий бошнинг умумий шакли кўриниши пропорционал нисбатликларни ҳам аниқлаб олишимиз мумкин. Талабалар ганч бошни тасвирлаётганда қуриш схемалари ва пропорция қўнулардан дадил фойдаланадилар. Лекин тирик бош расмини чизишга ўтишда эса улар бунга ботина олмайдилар. Тирик бош расмини чизишда профиль чизигини дадиллик билан учта тенг қисмга ажратинг. Бу сизга нафақат тасвирни тўғри қуриш, балки портрет ўхшашлигига эришиш учун ҳам ёрдам беради. Масалан, профиль чизигини уч тенг қисмга ажратиб биз ушбу мисолимизда кўрсатилгандек, сочи тўкилаётган кишида сочлар қопламаси қўшмама чизигидан анча баланда жойлашишини, куюқ, осилган қошлар қош усти ёйларидан пастроқда бўлишини белгилаймиз.

Ушбу босқичда энг асосийси бошнинг умумий кўриниши ва унинг характерини тўғри белгилаб олингидир. Деталлар (бурун, кўзлар, оғиз) фақат белгилаб қўйилади: уларга тус беришга шўшиш керак эмас, буларни кейинроқ, ҳамма нарсалар ўз жойида белгилаб бўлингандан кейин қилса ҳам бўлаверади.

Амалиётдан маълумки, кўпчилик талабалар тирик бош расмини чизаётганда “умумийликдан хусусийликка, катта ҳажмдан

кичик ҳажмга” усулида ишлаган амал қилмайдилар. Улар, катта шаклнинг умумий характери аниқлаб олмай, майда икир-чикирларни кичриклар, ажинлар, теридаги нуқсонларни чизишга киришиб кетадилар. Уларнинг назарида гўё булар портрет ўхшашлигини очиб беришда энг асосий нарсасдек туюлади. Шунинг учун, улар расм чизишга киришар эканлар, бош шакли-



48-расм.

нинг умумий характери билан танишиб чиқмайдилар, қиёфачини фақат бир томондан (бир нуқтадан) кузатадилар, яъне бошни фақат қисман кўрадилар. Улар нимани кўрсалар, шундайлигича пассив равишда кўчириб кўядилар. Бунинг асосий сабаби талабалар ганч бош расмини чизишда олган билим ва малакалариши умуман унуғиб қўйганликларидир. Бундай талабаларга расмдаги ўхшашлик деталарни санаб ўтиш билангина эмас, балки пропорционал нисбатларни тўғри белгилаш, шакл характери, алоҳида қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини тўғри очиб беришда эканлигини тушунтириш керак. Шунинг учун дастлаб бош шаклининг умумий характери белгилаб олиш ва деталарнинг жойлашиш ўринларини аниқлаб олиш лозим. Тасвирга ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлиши учун расмни қоғозга қаламни енгилгина юргизиб туширамиз ва чизиқли - конструктив расмга ўтамиз.

Иккинчи босқич (48-расм) — перспектива ва анатомик тузилишни ҳисобга олган ҳолда бош шаклини чизиқли - конструктив тасвирлаш.


Умуман бош ва унинг бўлаклариши чизиқли — конструктив тасвирланга ўтаётганда ҳажм қандай ташкил топишини кўргазмали равишда кўрсатишга ҳаракат қилинг.

Ҳар бир юза ҳар хил ёритилганлик кучга эга ва биз ушбу юзаларни енгил чизиқлар билан бериб, бугун бош шакли, унинг бўлаклариши ҳам тўғри ва ишончли чиқаришимиз мумкин.

Бош шаклини чизишда шаклнинг конструктив асосини очиб бориб, бир йўла калла суяги сўнгалари билан асосланган шакл характерига ҳам аниқлик киритиш лозим. Бизнинг мисолимизда гардан суяги олдинга туртиб чиққан, бош усти чиқиқлари пешана бутриларига нисбатан бироз кенг, ёноқ суяги ўсимталари яхши ривожланган ва ёноқ суяклари анча олдинга туртиб чиққан пастки жағ кенг ва калла суяги қутиси суяклари билан бириктирилиб кетган. Шаклни бундай таҳлил қилиш рассомга бошнинг характерини тўғри очиб бериш имконини беради. Шаклни юзада оддийдан мураккабга принципи бўйича тасвирлашда, бош расмини чизишнинг бугун жараёнидан катта шаклни тасвирлашда деталли тус беришпача бўлган жараён умуман бошни ва алоҳида деталарни (бурун, лаб, кўзларни) таҳлил қилишда ҳам шўбсиз бажариш керак.

Кўз, қулоқ, бурун, лаблар шаклига аниқлик кирита бориб доимо улар ўртасидаги боғлиқликни кузатиб туриш лозим. Ҳар бир бўлак бир-бири билан уйғунлашиши мақсадга мувофиқ ҳалақит бермагандагина яхшидир. Ушбу ҳолатда бундай ўзаро боғлиқлик пешона бутрилари, қош усти чиқиқлари, кўз қосаси, юқори ва пастки қовоқларни бирлаштурувчи ёрдамчи чизиқлар билан кўрсатиш керак.

Ухнашликни очиб бериш учун рассом кўзларнинг жойлашиш характерини диққат билан кузатиши зарур. Кўзлар шундай жойлашиши керакки, унда ички (кўз ёши қобиги) ва ташқи бурчаклар горизонтал чизиқда турган бўлади (49-расм), бу ҳолни сирона ирқига хос бўлган кишиларда кузатиш мумкин. Кўзлар шундай жойлаштирилиши мумкинки, унда ички бурчаклар (кўз ёши қобиги) ташқи бурчакларда пастроқда бўлади (49-расм), бу ҳолни мўғул ирқига оид кишиларда кузатиш



49-расм.

мумкин. Лекин кўз шундай ҳам жойлашган бўлиши мумкинки, унда ички бурчаклар ташқи бурчаклардан юқорироқ туради (50-расм), бундай ҳолатни кекса ёшли кишиларда кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатда натурачининг кўзи горизонтал жойлашган.

Одам бошини тўғри ва ишончли тасвирлаш қулоқ супрасининг тўғри жойлашганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Қулоқ расмини чизаётганда қулоқ супрасининг пастки (юмшоқ жойи) жағ суяги унчалик ёпиб қўймаслигини ёдда тутиш керак. Ёноқ суяги ўсимтаси доимо қулоқ супраси ўртасида жойлашган бўлади. Буни, биз аввал айтиб ўтганимиздек, ҳар ким ўзида текшириб кўриши мумкин. Ёноқ суяги ўсимтасини ушлаб кўриб сиз шунга ишонч ҳосил қиласизки, у қулоқ супрасини ўртасига кириб боради, ёноқ суягини пайпаслаётган бармоқ эса унинг букрисига бориб тақалинига ишонч ҳосил қиласиз. Қулоқ энсага ёки ёноқда чизилиб қолмаслигига доим эътибор бериш керак. Қулоқ супрасининг жойлашишни тўғри белгилаш учун қулоқ супрасининг устки жағ суяги похчасига параллел бўлишлигини кузатиб бориш керак. Расмда ўқлар йўналиши стрелкалар билан кўрсатилган (39-расм).

Шакл характери ва қулоқ супрасининг жойлашувига алоҳида эътибор қаратинг. Ҳар бир кишининг қулоқлари ўзига хос тузилишига эга. Қулоқ шакли қурилишининг қонуниятларини билган рассом ҳар бир детал хусусиятини осонгина илғаб олиши мумкин. Одам қулоғи бешта асосий қисмлардан иборатдир. Сиз қиёфачингиз қулоқ супрасининг ўзига хос томонларини кузатинг.

Шунингдек бош шаклининг бўлаклари бурун, лаб ва кўзлар ҳаракатига ҳам диққат билан эътибор беринг. Бош бўлақларнинг характери бошнинг ўз хусусиятига боғлиқ, ёки аксинча. А.Дюрер ўз асарида шундай ёзган эди: “Масалан, бу жуда узун ёки бу жуда қисқа юз дейишганда унга қисмлар ҳам тааллуқли бўлади; бу жуда баланд, паст, дўнг пешона ёки ясси пешона демақдир. Бурунларга ҳам ана шундайлар тааллуқли бўлиши мумкин. Баъзиларнинг бурни ҳаддан ташқари қирғий, узун ва осилган, бошқаларники эса аксинча, жуда калта, кеккайган, қалин, қулупнай сифат, пучуқ ёки пешона чизигидан ҳаддан ташқари туртиб чиққан бўлади. Шунингдек, баъзиларда кўзлар киртайган, ичига чўкиб кетган ёки чақчайган бўлади. Баъзи кишилар кўзларини жуда қисқа очадилар ва пастки қовоқлар юқори қовоқ тушгандагидан ҳам каттароқ бўлади; бошқалар кўзларини бақрайтириб

очадилар, уларнинг кўз қорачиғи яққол кўринади. Баъзи кишиларнинг қошлари кўз остидан анча кўтарилган, бошқаларники кўз устида тушиб турган, бир кишида улар ишгичка бўлса, бошқасиникида бароққош бўлади.

Баъзи одамларнинг лаблари чўччайган, бошқаларники ишгичка, осилган: баъзиларда устки лаб пастки лабга нисбатан кўтарилган (ёки аксинча), кўпинча қалинроқ бўлади: бир кишида бурун остидаги лаби узун бўлса, бошқасида калта бўлади ва ҳоказо. Шунингдек баъзи кишиларнинг даҳани йўғон, кенг, катта бўлса, бошқаларда у жуда кичик ва учли бўлади: баъзан у орқага, томоққа тортилган ёки аксинча, томоқдан анча туртиб чиққан бўлиши мумкин ва баъзан улар узун, баъзан эса калта бўладики, юқоридан айтиб ўтилганидек, улар кўндаланг чизиқлар билан белгиланади¹.

Бундай диққат билан кузатиш расм чизувчига расмда моделнинг индивидуал хусусиятлари ва портрет ўхшашликни очиб бериш имконини беради.

Ушбу қиёфачимиз қулоғига назар солар эканмиз, унинг тардани калла суяги сўнгагига ёпишганлигини сезамиз. Қулоқ суягининг бу хусусияти ушбу одамнинг қулоғи ва бутун бонининг ҳам ўзига хос характерини кўрсатади.


Ёноқ ва чайнаш мушаклари яхши ривожланган ёноқлари эса кучли бўртмага эга эканлигини кўрамиз. Уни тасвирлаш орқали, образ характеристикасини кучайтирамиз.

Кенг челпона мушаклари терининг кўндаланг бурушиқлари билан чуқурчалар ҳосил қилган. Уларни тасвирлашда эҳтиёт бўлиш керак, чунки бўртмалар ёноқлардаги тери бурушлари билан “тортишиб” қолиши мумкин.

Учинчи босқич (50-расм) - тус бериб шаклни деталлаштириш.

Шаклни деталлаштиришдан олдин иш босқичларнинг тўғри ҳал этилганлигини яна бир бор текшириб чиқинг. Шаклнинг умумий кўринишини йўқотмаслик учун тасвирга секин-асталик билан тус берилади. Даслаб енгилгина тарзда асосий сояларни белгилаб чиқилади. Бу эса бош шаклни яхлит кўриш, аниқликлар киритиш имконини яратади. Шундан сўнг яна умумий шаклдан келиб чиққан ҳолда юз бўлақларига ўтиш мумкин. Алҳоқда бўлақларга аниқлик кирита бориб, шакл тузилиши қонуниятларига диққат билан эътибор беринг. Масалан, кўзлар расмни

¹ Дюрер А. Дневники, письма, трактаты. 178-бет.



50-расм.

чизаётганда шуни эсдан чиқармаслик керакки, кўз соққасивинг олд бўртмасини мугуз шарда ташкил этадики, унинг орқасида марказдаги кўз қорачиғи билан рангдор қоплама туради. Кўпчилик талабалар кўз қорачиғини уртаси қора доираси бўлган ясси диск сифатида тасвирлайдилар. Бу нотўғри. Марказдаги кўз қорачиғли рангдор қоплама ясси эмас, балки кабарик шаклда эгадир. Кўз соққасини қовоқлар ёшиб туради. Кўз бир томонга қараганда мугуз қабариги юқори қовоқларни ҳам ўша томонга, яъни одам қаёққа қараса ўша ёққа бурилади. Шунинг учун юқори қовоқларни чизаётганингизда унинг ташқи ва ички томонларига диққат билан эътибор беринг. Ушбу мисолимизда натурачининг нигоҳи ўнга ва бироз юқорига қараган. Кўз шаклини деталли чизиб чиқишда ёруғликнинг тақсимланиш қонуниятларини ҳам ёдингиздан чиқарманг. Оддий шароитларда ёруғлик

юқоридан тушади ва юқори қовоқ қалинлиги сояда, пасткиси эса ёруғликда қолади. Талабалар одатда юқори қовоқнинг пастки юзасини ва пастки қовоқ қалинлигини бир хилда туслайдилар, баъзан эса қовоқлар қалинлиги фақат чизиклар билан чекланиб қолиб, умуман кўрсатмайдилар. Пастки қовоқни жуда эҳтиёткорлик билан, қаламни қоғозга тегар-тегмас қилиб чизиб керак, айниқса портрет ўхшашлигига эришаётган пайтда.

Қошлар расмини чизишда жиддий эътибор беришг. Қошлар ҳилма хил бўлади, улар кенг, тор, қаламқош, бараққош, текис, пастга қараб осилган, чимирилган, бир-бирига туташиб кетган бўлиши ва портрет характеристикасининг аниқ чиқиш қошларнинг ҳам тўғри ёритилишига боғлиқ бўлади. Ушбу вазифада натурачининг қошлари қуюқ, кўзлари устида осилиб турибди.

Одамнинг тирик бонини тасвирлаш жараёнида кўпчилик талабалар, шаклни деталли ишлаш, расмнинг бадиий ифодали чиқишида унинг деталларини умумлаштира олишга боғлиқ. Шаклда деталли ишлов бериш расмнинг ифодали чиқишини оширади. Ишнинг ушбу босқичда бош шакли ва унинг деталларига аниқлик кирита бориб, бир йўла тус бериш масаласини ҳал қилиш учун ҳам асос тайёрлашингиз керак.


Академик расмда нафақат шаклнинг тўғри тасвирланганлиги, балки унинг ифодали чиққанлиги ҳам қадрланади. Расмдаги ифодалилик тус бериш вазифасини қанчалик тўғри ҳал этилганлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Кўпчилик талабалар “тус” атамасини нотўғри талқин қилганликлари учун ҳам улар бу сўздан расмда тўғри фойдалана олмайдилар, ана шу тушунча устида бироз тўхтагимиз.

“Тус” (тон) сўзи грекча “tonos” сўзидан олинган бўлиб, у “кучланиш” деган маънони англатади. Тус (тон)- бу ёруғликнинг физик характеристикасидир.

“Тус” дейилганда биз ёруғлик манбаига қараб предмет юзасига ёруғликнинг миқдори ва сифатини ва шу предмет рангини тушунамиз. Предметнинг алоҳида юзалари ёритилганлининг ўзгариши уларнинг ёруғлик манбаига нисбатан келликдаги ҳолатига боғлиқ бўлади. Тус ёруғлик манбаининг характери (табиий-кўш, ой нури; электр лампочкаси, шам) ва ёруғлик тушаётган предмет ранги билан ўлчанади.

Ёруғлик (нур) жисм юзасига тушар экан, у тус кучини белгилайди. Юзаларнинг ёруғлик манбаига нисбатан турганига қараб тус характеристикаси ҳам ўзгаради. Расм чизувчилар ай-



51-расм.


ниқса тирик одам боши расмини чизишдек мураккаб вазифани бажаришда кўп чалкашадилар. Улар бош шаклига тус бераётганларида нур-соя градациясини, бинобарин, ҳажмининг ёритганлик даражасини илғаб ололмайдилар. Масалан, улар қора сочларни тасвирлаётганларида бу сочларни дарҳол бир текис, бир хил рангга қоплаб қўядилар ва қерда соя, қерда ярим соя ва қерда ёруғ бўлишлигини кўрсатмайдилар. Ваҳоланки, қора сочларга тушган ёруғлик худди, айтايлик бурун учига тушган ёруғлик каби бўлиши

мумкин.

Рассом Малик Набиевнинг хомаки расмида (51-расм) тус бериш вазифасининг қизиқ ечимини кўрамиз. Рассом қора сочларни тасвирлар экан, қоғознинг шуъла тушган жойларини очик (тоза) ҳолда қолдиради, у сочнинг ҳаммасини бўямайди, балки соч ҳажмини нур-соя воситаларда беришга ҳаракат қилади.

Жуда кўп ҳолларда натураи узоқ вақт давом этадиган жараёнда тасвирлаш натижасида талаба ҳис этиш (қабул қилиш) жўшқинлиги сусаяди, у натурадан пассив равишда нуسخа кўчиришга ўтади ва ўзи чизаётган расмини “бўяб ташлашга” ўтади. Ушбу камчиликни олдини олиш учун П.Чистяковнинг қўйидаги сўзларини келтириб ўтамиз: “Деталь устида узоқ ишлаш керак эмас, чунки қабул қилиш (ҳис этиш) жўшқинлиги йўқола бошлайди. Ундан кўра бошқа, ён-атрофдаги қисмни чизишга ўтиш керак. Аввал қилинган ишга яна қайтилганда чала қолган жойларни кўриш осон бўлади”.

Тўртинчи босқич (52-расм)-материаллиликни ҳал этиш ва



52-расм.

инга яқун ясаш-умумлаштириш.

Ишнинг бу босқичи энг қийин ва давомлидир. Бунда талаба вазифани маълум тугалликка етказиши, ўқув материални қандай ўзлаштириб олганлиги билан бир қаторда ўз ижодий имкониятларини ҳам намоён этиши керак. Талаба модель шаклига тус беришда бир йўла унинг материаллилик томонини ҳам очиб туслай олса расмнинг ифодалилиги янада ортади. Масалан, агар талаба натурачи кўзининг шакли ва характерини тўғри тасвирласа-ю, кўзларга жозоба бермаса, унинг чизган расми етарли даражада ифодали чиқмайди; у кўзларни тасвирлар экан, кичрик ва тери, шунингдек, намланган кўзлар жозибаси каби омилларни тўғри очиб берса, портретнинг ифодалилиги янада ортади. Кўзлар жозибаси деганда шу нарсани тушуниш керакки, кўз соққаси доимо кўз ёшлари билан намланган бўлади. Агар расомларни тасвирда очиб бера олмаса, у одам кўзининг ишончли ва

ифодалади чиқиннига эриша олмайди.

Шаклга тус бериш ва материалликни оча бориб, секин-аста соч, қош, мўйловлар ва кийимлар тусини кучайтирамыз. Бу юз, соч, костюм кабилар хусусиятини очишга ёрдам беради. Расмда материалликни оча бориб, шаклининг пластик характеристикасини аниқроқ ифодалашга ҳаракат қилинг, ундаги баъзи жойлариди пайдо бўладиган ола-чипорликлардан чўчиманг. Бундай ҳолларда П.Чистяков ўқувчиларга шундай дер эди: “тасвирлаш жараёнида, бир жойдан иккинчи жойга ўтаётганида бутун шаклни кўздан қочирма, дарров умумийликка интилма, балки деталлар ичига кириб кет, дастлабки олачипорликлардан кўрқма, уни умумлаштириш унча қийин иш эмас, асосийси нимани умумлаштириш бўлса бас. Шаклни унинг ҳажмини беришга интилиш сенинг чизикларинг, чизгиларингни жонли ва ифодалади қилади”.

Охириг босқичда қилинган ишга умумий яқун ясаш керак. Шу ернинг ўзида тасвирнинг ҳолатини тез-тез текшириб бериш лозим. Қилинган ишга яқун ясаш бош нисбатлари, шакл характери, ҳажм ифодасининг ишончилиги ва тус бериш нисбатларининг тўғри эканлигини текширишдан бошлапади.

Энг аввало расмнинг уйғунлашувини текшириш керак. Шаклни деталли ишлаш жараёнида сиз расмни суриб юборган бўлишингиз, деталлар ўзаро боғланишини йўқотган, шаклга тус бериш жараёнида анатомик тузилишга пуғур етган бўлиши мумкин; эҳтимол бирор жойда унга янгитдан чизги бериш, контур бўйича эса ифодани бўрттирувчи чизик тортиш керак бўлар. Шунингдек, хар бир деталь шакли характерини текшириб чиқиш зарур, чунки улар нафақат бош шаклининг умумий структурасини тўғри ифодалаш учун, балки одамнинг образли характеристикасини ҳам бўрттириб кўрсатиш учун ҳам керак.

Шундан сўнг тус бериш вазифасининг тўғри ҳал этилганлигининг текшириш керак. Бу ўринда нагурада энг туқ ва энг ёруғ жойларни белгилаб чиқиш, уларни ярим сояга таққослаган ҳолда тасвирни умумий яхлитликка келтириш лозим. Деталларга ишлов берилиш даражасига алоҳида эътибор бериш зарур.

Бош шакли қисмларни устида ишлаш пайтида унинг умумий яхлитлиги - бутунлигига пуғур етказиб қўйиш мумкин. Масалан, қулоқ жуда ҳам ёрқин, пешона қисм ҳаддан ташқари ссражин ва қорайтириб юборилган, лаблар бир-биридан кескин ажралиб қолиши мумкин ва ҳоказо. Шундай ҳол юз бермаслиги учун ишнинг яқунловчи босқичини амалга ошириш керакки,

бунда бошнинг бўлақлар қисмлари ягона бутунликка келтирилади. Шакл ҳаддан ташқари майдалашиб, ажинлар кўпайиб кетган жойларни умумлаштириш, ёруғликни яхлитлаш, ёруғлик манбаига қараб бир текисда узоқлашадиган ҳолатга келтириш лозим; соядаги қисмларга шундай тус берилсинки, улар умумий уйғунлашувдан чиқиб кетмасин. Тасвирий санъат қонун қоидаларига кўра узоқ пландаги деталларга камроқ, яқин пландагиларга эса кўпроқ тус берилиши лозим.

Қилинган ишларга яқун ясалаётганда рефлекслар ёруғлик билан бир хил тусда тўлиб қолмаслиги, қаттиқ қорайтириб юборилган соялар “ларча” ҳосил қилмаслиги, узоқ пландаги ёруғлик ва соя контрастлари олдинга “чиқиб” қолмаслигини текшириб олиш керак. Бундай хатоликларни тезроқ илғаб олиш учун тасвирга кўпроқ узоқроқдан туриб караш керак.

Тирик бош расм устида ишлашнинг методик кетма-кетлиги ҳақидаги гапга яқун ясаб, шу нарсани ёдда сақлаб қолиш керакки, ишнинг ҳар бир босқичига етарли даражада вақт ажратилиши керак.

Тасвир қуришнинг методик кетма кетлигини ўзлаштириб олиш бошловчи рассомга ишонч билан, узлуксиз, ҳар бир босқични алоҳида равишда қандай ҳал этилишини билган ҳолда ишлаш имкониятини беради. Расм устида ишлашнинг амалий тажрибасини эгаллаш ёш рассом яқуний натижани олдиндан кўра билиш кўникмасига эга бўла бошлайди. Лекин олдиндан кўра билиш кўникмасига баъзилар ўйлайдигандек, ҳар ким ўз ҳолича эмас, балки педагог ёрдамида, бутун тасвир қуриш жараёнини босқичма-босқич ўзлаштириш натижасидагина эга бўлиши мумкин.

Тирик бош расмларни чизиш туркумларидан кейин бир қатор бошларни елка кенглиги билан бирга чизиб кўриш керак. Бу вазифалар бошнинг елка кенглиги билан боғланиш қонуниятларини ўзлаштириб олиш учун зарур.

Бундай машқларни бажаришда бўйин ва елкаларнинг пластик характеристикасига алоҳида эътибор беринг. Дастлаб бошнинг бўйин ва елкага нисбатан ҳолатини аниқлаб олинг, яъни елка кенглигининг ромб сифат майдончасига тўғри “ўрнаштиринг”. Шундан сўнг ўнг ва чан томондан кўкрак-ўмров суягининг пластик характеристикасини аниқланг.

Ўмров ўсимталарнинг жойлашиш ҳолатини кузатинг. Бўйинтуруқ чуқурчасига нисбатан торс кўкрак қафаси ва бош ҳолатини текширинг. Агар натура топшнинг иложи бўлмаса, бундай ҳолатни кўзгуга қараб туриб ўзингизда машқ қилишингиз мумкин. Бу ўқув материални яхши ўзлаштириб олингандан сўнг

одамнинг белидан юқори тасвирини чизишга киришни мумкин.

Давомли расм чизиш билан бир вақтда тирик одам бошидан мунтазам равишда ҳомаки расм ва чизигилар қилиш зарур. Бундай ҳомаки расмлар нафақат одам бошини тасвирлашда олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, балки тасвирда реал ҳаётни тасвирлаш қобилиятини ривожлантириш учун ҳам зарур.

Реалист-рассом инсонни ҳаракатда, унинг барча гўзалликларини тасвирлай олиши керак. Давомли расм устида ишлаш талабани ёрдамчи чизиқлар, ўқ чизиги, конструктив асослар ёрдамида тасвирни диққат билан ва методик босқичларда тасвир қуришга мажбур этади. Талаба давомли ўқув расмида асосий эътиборини юзада реалистик тасвир қуришнинг қонуниятлари ва қоидаларига қаратади. Бинобарин, талаба ўқув-академик расмида бу ишни педагог ёрдамида, унинг узлуксиз кузатувида амалга оширади. Ўқув ва ижодий расм ўртасидаги фарқни очиб бориб улар турли йўналишга эга эканликларини кўрсатиб ўтиш лозим. Ўқув расм билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун яратилади. Ижодий расмда эса аксинча - олинган билим ва кўникмалардан бадиий образ яратиш учун фойдаланилади. Шунингдек аввал олинган билим ва малакалар асосида янгилик яратади.

Биз юқорида такрорлаб ўтганимиздек, ўқув расмининг ўқув таҳлилий (аналитик) вазифалари ижодий моментлардан ҳам ҳоли эмас. Ҳомаки расм ҳам олинган билим ва малакалар асосида яратилади. Ҳомаки расмда энди талабадан тасвир қуриш изчиллиги, ёрдамчи чизиқларни қўллаш кабилар талаб этилмайди.

Ҳомаки расмлар ҳақида гапирилганда уларнинг вазифалари, мақсад ва йўналишларини тўғри аниқлаб олиш керак. Кўпинча “ҳомаки” тушунчасини расм устида ишланганинг биринчи босқичи, шаклнинг чизиқли-конструктив қурилиши билан аралаштириб юборадилар. Бу албатта тўғри эмас.

Ҳомаки расм маълум вақт оралиғида кузатилаётган натура ҳақида тўлиқ тасаввур беришни мақсад қилиб қўяди. Ҳомаки расмлар ҳар хил давомийлик ва ҳар хил ишланишда бўлиши мумкин: иш шарт-шароитлари ва рассомнинг ўз олдига қўйган вазифаларига қараб ярим соатли, бир соатли, ўн минутли ва ҳоказо.

Ҳомаки расм-бу натурадан тезгина чизги қилиб олинидир; у ўқувчини тез фикрлаш, тасвирлашнинг энг ишончли ва магикий воситаларини қилириб топишга ўргатади, кузатувчанлигини ривожлантиради. Ҳомаки расм, расм чизувчини унча моҳияти бўлмаган нарсаларни четга чиқариб ташлаб,

асосий нарсага қаратади.

Хомаки расм ўқувчида мустақил ишга бўлган тайёргарлик даражасини намоён этади.


Хомаки расмлар талаба тасвирий саводхонлиги қонуниятларини осон ва тез қўллай билишга ўргатиши лозим. Ўтмишдаги буюк устоз рассомларнинг хомаки расм намуналари ўзига хослиги, натуранинг энг характерли хусусиятларини ажратиб кўрсатилганлиги билан томошабинни ўзига тортади.

Натурадан ўқув-академик расм чизиб вазифаларида хомаки расмлар маълум ўқув-таълимий ва тарбиявий мақсадларни кўзлайди: аввал ўтилган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш ва бошловчи рассомни мустақил ишланга тайёрлашдан иборат. Хомаки расм чизиш-бу тез фикрлаш, тез таҳлил қилиш демақдир. Хомаки расм - бу аввал олинган билимларни ҳисобга олган ҳолда натура билан буюм ҳақидаги мантиқий фикрлашдир. Расм чизувчи хомаки расм чизиш давомида ушбу натура ҳақида, унинг шакл қурилиши конструктив тузилиши анатомик хусусиятлари ва ҳоказолар ҳақидаги бугун билимлари заҳирасидан фойдаланади.

Дала амалиёти даврида ўқув машғулотларининг энг кўп маҳсулдорлигига талабалар айнан хомаки расмлар чизишда эришадилар. Бунда улар ҳам натурани ўрганиш ҳам тасвирлашнинг бугун техник воситаларидан фойдалана билиш томонларини намоён этадилар.

Шунинг учун ҳам хомаки расмлар агар расм чизувчи натура ҳақида маълум маълумотларга эга бўлганлигидagina фойдалидир. Маълум вазифалар аниқ йўналтирилган мақсад бўлмасдан хомаки расмлар чизавериш талабани ижоддан бездириб қўйиши мумкин.

Кўп йиллик амалиёт шуни кўрсатдики, маълум бир тизимсиз, услубий принципларсиз бу иш мақсадсиз бўлиши мумкин. Хомаки расм чизишга ўргатиш ҳам ўқув вазифаларини аста-секин мураккаблаштириш маълум бир услубий босқичликни тақазо этади. Биринчи курс талабалари учун анча енгил, юқори курсдагиларга эса мураккаб ўқув вазифалари берили-



53-рasm.



54-рasm.

ши мақсадга мувофиқ.

Қисқа хомаки расм ва чизчиларда асосий эътиборни характерни очишга, кишининг об-разли характеристикаси-ни кўрсатишга қаратинг. Энг асосийси давомли расм ва хомаки расмга бўлган ёндошишни тўғри тушинишдир. Да-вомли ўқув расмда биз академик расмнинг асо-сий қоидалари-бош шакли қурилишининг конструктив тузилиш анатомик қонуниятлари-ни ўзлаштирамиз; хома-ки расм чизишда эса ин-соннинг эмоционал ҳолатини-типажини ил-габ олиш талаб этилади.

Хомаки расм усти-да мунтазам ишлаш расм чизиш санъатини тезроқ эгаллаб олиш им-кониятини беради. Би-рорта расм йўқки, у ўзи билан хомаки рас-млар учун махсус аль-бом кўтариб юрмаган бўлса. Ўтмишнинг маш-хур расмлари ўзлари-нинг кундалик ишларига жуда катта эътибор бер-ганлар. Италия рассоми

Ченнино Ченнини ўзининг “Рангасвир ҳақида асар” китобида шундай ёзган эди: “Доимо, бирор кунни ҳам ўтказмай, гарчи у бу мақсад учун ҳеч нарса бўлмаса ҳам бирор-бир нарсанинг расмини чиз; бу сенга жуда катта фойда келтиради”. Ҳаётда биз бир-бирига айнан ўхшаш одамни учратмаймиз. Рассомнинг вазифаси ҳам индивидуал хусусиятларни илғаб олиш, ушбу одам учун ўзгача бир хусусиятни топа билишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам кўпроқ кузатинг, кўпроқ натурадан расм чизинг, мунтазам равишда хомаки чизгилар қилинг.



55-расм.

Малик Набиевнинг Экспрессив хомаки расмида қулаётган ҳабаш кишининг юз тузилиши жуда ишончли чиққан (53-расм). Шунингдек унинг Ҳиндистон сафарида бажарган туркум хомаки расмлари образларнинг тулиқ характерларини гўзал, чехраларини тасвирлашда ифодали илтиҳ ва чизгилардан фойдаланган (54-55-56-расмлар).

Тасвирда инсон юзининг ҳаётгий таъбирчанлигини бера олиш реалист рассом учун ўта муҳимдир.

Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси моҳир рассом-уқитувчини тарбиялаш экан, бош шакли расмини чизишга ўргатиш тизимида хомаки расмлар чизиш ишига жиддий эътибор бериш лозим. Хомаки расмлар ва қисқа чизгилар бошловчи рассомни ижобий фаолиятга узлуксиз боғлаб қўяди. Улар талабани мустақилликка ва ўқув машқ тасвирий вазифаларни ҳал этишга ўргатади.

Тирик одам расмини чизиш рассом учун яхши мактаб



56-расм.

ҳисобланади. Тиркинсон юз ҳаракатидаги шакл бойлиги ва ифодалилиги рассомга ушбу одамга хос бўлган энг характерли хусусиятларини илғаб олиш, ён рассомга баддий образ яратиш учун дадил қадам ташлаш имконини беради. Муваффақият билан ҳал этилган ўқув вазибалар расм чизиш санъати билан қизиқишга, кейинчалик эса портрет санъатини ҳам эгаллашга бўлган интилишларга фойда бўлади.

Одам бошини тасвирлаш принципларини яхши ўзлаштириб олгандан сўнг янада мураккаброқ вазибалага ижодий портрет яратишга ҳам ўтиш мумкин.

Портрет чизиш санъатини эгаллаш учун энг қулайи автопортрет тасвиридир. Рассом ўзининг расмини ўзи чизар экан, ишни ниҳоясига етказиш учун қанча вақт талаб этилса, шунча кўзгу олдида тура олиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1984 йил.
2. Бойметов Б. Бадиий графика куллиёти биринчи курс сиртқи бўлим талабалари учун қаламтасвирдан методик тавсиялар. - Тошкент, 1992 йил.
3. Бойметов Б. Қаламтасвир ўқитишнинг илмий асослари. Методик тавсиялар. Тошкент, 1995 йил.
4. Бойметов Б., Толипов М. Мактабда тасвирий санъат тўараги. Фан - 1995 йил.
5. Бойметов Б. Қаламтасвир, Педагогика институтлари ва университетлари учун ўқув қўлланма. Тошкент, 1997 йил.
6. Бойметов Б. Қаламтасвир асослари. Педагогика институтлари ва университетлари учун ўқув қўлланма. Тошкент, 2000 йил.
7. Тең Н. Гипс моделларининг расми. Тошкент. Ўқитувчи - 1994 йил.
8. Тожиев Б. Қаламтасвир асосларида ўрганиш. Тошкент, 1994 йил.
9. Хасанов Р. Методические основы художественного образования и воспитания в узбекской школе. Тошкент. Фан - 1990 йил.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
I-боб. Одам боши шакли тузилишининг асосий қонуниятлари	4
II-боб. Чизиқли конструктив тасвирлаш усули	17
III-боб. Бош бўлаклари – бурун, кўз, қулоқ ва лаблар расми.....	28
IV-боб. Тирик одам боши шакли расмини чизиш	47
§-1. Калла суяги сўнгалари	51
§-2. Бош мушаклари	56
Адабиётлар	77



8.

432 - буюртма 250 нусха. Ҳажми 5 б.т.
2001 йил 20 июнда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ ротапринтида
чоп этилди.